БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 19 (3818)
24 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА 1979 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

1979 йил 4 МАРТ ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Агитпунктда иш қизғин

Шу йил 4 мартда бўладиган СССР Олий Советига сайловларга Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг коллективи ҳам катта тайёргарлик кўрмоқда. Ленин районига қарашли 8-сайлов участкаси шу ерда жойлашган. Участка қошида ташкил этилган агитпунктга доцент, коммунист С. Д. Кучук бошчилик қилмоқда.

Институт профессор-ўқитувчилардан иборат бўлган 12 агитбригада ташкил этилди. Ҳар бир бригадага 10 нафардан агитатор-ўқитувчи уюшган. Улар сайлов участкасининг жойлашиш план-схемаси асосида ўзларига бириктирилган маҳалла ва студентлар ётоқхоналарида сайловчилар билан суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Агитаторлар С. С. Дўсматов, Э. Г. Шамурзин, Г. А. Козлов томонидан «Бизнинг социалистик демократиямиз», «Совет гражданларининг ҳуқуқи ва вазифалари», «Депутатликка номзодлар кўрсатиш тартиблари ҳақида»ги суҳбатлари тингловчиларга айниқса манзур бўлди. Агитаторлар бўлажак сайловда илк бор овоз берадиган ёш сайловчиларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Уларга демократик сайловнинг афзалликлари ва сиёсий аҳамияти, сайловларда қатнашиш талаблари ва Ватанимиз ҳаётида кейинги йилларда рўй берган муҳим ўзгаришлар ҳақида хикоя қилиб берилмоқда.

Агитпункт эшиги сайловчилар учун доимо очиқ. Уларни навбатчи агитатор кутиб олади. Бу ерда 39 агитатор аниқ график асосида ҳар куни, шу жумладан дам олиш кунларида ҳам навбатчилик қилмоқда.

Агитпункт ўзининг аниқ иш планига эга. План бўйича турли хил ишлар олиб борилмоқда. Яқинда ўтказилган ахборотчиларнинг йиғилишида сайловчиларни рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди. Агитпункт ишига институт партия ташкилоти яқиндан ёрдам бермоқда. Агитаторларнинг кўпчилигини коммунистлар ташкил қилади.

Агитпункт коллективи энг яхши агитпункт ва сайловчилар клубларининг шаҳар кўрик-конкурсида иштирок этишга қарор қилди.

М. ТОШБОЛТАЕВ,
институт ўқитувчиси, техника фанлари кандидати.

Яқдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда

115-Тошкент—Ленин сайлов округида округ сайлов олди кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири **Иван Дмитриевич Сербинни** СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлигини қувватлашга қарор қилдилар.

Пойтахтимизнинг бир куни

• ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ— БЕШ ЙИЛЛИККА | • БУНЁДКОРЛАР ВАХТАСИ | • «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ОЛДИНДА «АНДИЖОН-78»

Тўқимачилик комбинатининг 1-йигирув фабрикаси аркон йигирувчи цехида кўплаб пешқадам комсомол-ёшлар бригадалари меҳнат қилади. Ана шундай илғор бригадалардан бири андижонлик қизлардан тузилган «Андижон — 78» деб аталувчи комсомол-ёшлар бригадасидир. Бригада қизлари тенгдошлари ўртасида доимо пешқадамлик қилиб келишяпти.

Андижонлик бу қизлар комбинат қошидаги ҳунар-техника билим юртида назарий билим олиш билан бирга, амалий жиҳатдан ҳам йигирувчилик касбини пухта ўзлаштириб олишяпти.

— Бригадамиз 1978 йилнинг июль ойида тузилган бўлиб, 20 нафар андижонлик қизлардан иборат дейди, — мастер Барнохон Нурмуҳамедова. —Хосият Аҳмедова, Кимё Каримова, Марғуба Қорабоева каби қизларимиз қисқа муддатда йигирувчилик касбининг сирларини пухта ўрганиб олишиб, ҳозирги кунда йигирув машиналарининг тўртбеш, ҳатто, олти томонида ишлашяпти. Уларнинг ҳар бири кунига 1150 — 1200 килограммдан ип йигириб, цех коллективининг олқишига сазовор бўлмоқда.

Айни кунларда пешқадамлар 1979 йилнинг биринчи кварталн планини халқаро хотин-қизлар байрами— 8 Мартгача бажариш учун барча куч-ғайратини ишга солмоқдалар.

Р. САФОЕВ.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

Тежамкорлик билан

БУГУН

студентлар шаҳарчасида қурилаётган Тошкент политехника институти биология факультети янги биноси. нинг тўртинчи қаватида қурилиш ишлари тугалланди.

Етти қаватли бу бинони бунёд этишга Тошкент шаҳри қурилиш Бош бошқармасига қарашли 6-қурилиш тресті 7-қурилиш бошқармасининг Валентин Ситников бошлиқ бригадаси катта ҳисса қўшмоқда.

Бригада иш вақтидан унумли фойдаланиб, кунлик топшириқларни ошириб бажариш билан бирга, бинокорлик материалларини иқтисод қилишга ҳам мулсар бўлмоқда. Коллектив аъзолари ўтган йили мазкур объектда 6 минг дона гишт, 2 тонна арматура, 15 куб метр бетон тежадилар. Бригада бу йил ҳам унумли меҳнат қилиб, юксак кўрсаткичларни қўлга киритишга қарор қилган.

Илғор усул шарофати

Шаҳримиздаги ўнлаб биноларни қуришда «Главташкентстрой»нинг 8-трестига қарашли 4-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорларининг меҳнати сингган. Жумладан, бошқарманинг Н. Корненко бошчилигидаги комплекс бригадаси аъзолари болалар муассасалари ва саломатлик масканларини қуришда анчагина тажриба тўплашган. Коллектив ўтган йили Карл Маркс кўчасида етти қаватли касалхона корпусини, 9 январь кўчасида поликлиника ҳамда спортсоғломлаштириш корпусини қуришда қатнашган эди.

БУГУН

бригада аъзолари Жуковский кўчасида қурилаётган болалар боғчаси биносини пардозлашга топшириб, Карл Маркс ва 1 Май кўчалари муюлишида қурилаётган туғруқхона пойдеворини тиклаш ишларини авж олдириб юборишди.

Қурувчилар злобинча бригада пудрати усулини қўллаб, кунлик иш ҳажмини 115 — 120 процентга етказиб адо этишяпти.

• *Тошкент—«Олимпиада-80» учун*

КЎРИК-КОНКУРС БОШЛАНДИ

БУГУН

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг тематик павильонида олимпиада рамзи туширилган буюмлар га совғаларнинг кўрик-конкурси бошланди.

Унда республикамизнинг элликка яқин корхонаси ўз маҳсулотлари билан қатнашяпти. Жумладан, «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чиройли ацетат ва капрон рўмолчалари, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг эркаклар ва болалар кўйлаклари, спорт буюмлари фабрикасининг футбол тўпи, спортчилар сумкаси ва бошқа маҳсулотлари кўргазмада намойиш этилмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинати, кўн-галантерея фабрикаси, чинни заводи ва ўйинчоқлар фабрикаси ҳам олимпиада рамзи билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари билан қатнашмоқдалар. Бундан ташқари кўргазмага олимпиада тематикаси бўйича тайёрланган янги буюмларнинг намуналари қўйилган. Махсус комиссия ана шу буюмларнинг энг яхши нусхаларини ишлаб чиқаришга тавсия этади.

▲ 1979 ЙИЛ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ

БИР МАССИВДА ЕТТИ БОҒЧА

Шаҳримизнинг янги массивларида истиқомат қилувчи аҳоли учун кўпгина қулайликлар яратиляпти. Жумладан, замонавий болалар боғчалари қурилаётганлиги ота-оналарни мамнун этяпти. Кейинги йилларда қад кўтарган «Қўйлик—4» массивида ҳозиргача 6 та болалар боғчаси қичкинтойларни ўз бағрига олган эди.

Ушбу фотолавҳада «Ташэлектромаш» заводининг илғор йигувчи-ўровчиларидан бир группасини кўриб турибсиз. Чапдан-ўнгга —Е. Гернер, М. Тахауддинова ва М. Машенцева ойлик план топшириқларини 120—130 процент адо этиб, электр пайвандлаш трансформаторлари учун сифатли ўрама ғалтаклар тайёрлаб беришяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

БУГУН

«Главташкентстрой»га қарашли 3-қурилиш трестининг 15-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари массивда яна бир 280 ўринли боғчани фойдаланишга топширишди.

Ленин район халқ маорифи бўлимидан бизга хабар қилишларича, ҳозир райондаги мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида 53 тага етди. Уларда ишчилар, қурувчилар, инженерлар ва бошқа касб эгаларининг 10 минг фарзанди тарбияланмоқда.

«Артек»ка йўлланма

Пионер ва ўқувчилар пахта йиғим-теримининг дастлабки кунларидаёқ «Оқ олтин» операцияси республика штабининг чақириғига «лаббай!» деб жавоб бердилар ва Ўзбекистоннинг улкан пахта хирмонига мунносиб ҳисса қўшдилар.

Яқинда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1978 йилги «Оқ олтин» операцияси қатнашчиларини фахрий ёрлиқлар ҳамда Бутуниттифоқ пионерлар лагери «Артек»ка йўлланма билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мукофотланган лагерларнинг ораси республикамиз пойтахтининг ёш вакиллари ҳам бор. Ана шундай мукофотга Тошкентдаги республика ёш табиатшунослар станциясининг пахтачилик тўгараги аъзоларидан бир группа болалар сазовор бўлишди. Улар Кора денгиз соҳилидаги «Артек»ка дам олгани жўнаб кетишди.

С. ҒАФУРОВ.

1981 йил ҳисобига

«Главташкентстрой»нинг уй-жой қурилиш трестига қарашли монтаж бошқармасининг Федор Третьяков етакчилик қилаётган монтажчилар бригадаси

БУГУН

ЎЗ МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА 1981 ЙИЛНИНГ ИЮНЬ ОЙИНИ КУТИБ ОЛДИ.

Тажрибали бинокор бош бўлган бригада коллективи ўнинчи беш йиллиққа мўлжалланган топширикни икки йилу тўққиз ойда бажаришга муваффақ бўлган эди. Айни кунларда бу коллектив Юнусобод массивида турар жойларни монтаж қилишга катта ҳисса қўшяпти.

Мазкур бошқарманинг Раис Абдурахмонов бошлиқ монтажчилар бригадаси ҳам шу кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлаяпти.

Трестнинг 28 бригадасига бирлашган 452 нафар бинокор, монтажчи, пардозчи СССР Конституциясининг бир йиллигини беш йиллиқнинг учинчи йили планини бажариш билан кутиб олишди.

Коллективда илғорлар сафининг ўсиши натижасида трест ўтган йили бош пудрат ишлари планини 100,1 процентга, ўз кучлари билан иш бажариш топширигини 102 процентга адо этди.

Туҳфа

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари «Главташкентстрой»га қарашли 3-қурилиш трестининг 5-қурилиш бошқармаси бунёдкорларини яхши танишади. Чунки бошқарма ишчилари тикувчилик бирлашмасининг бир нечта объектларини қуриб беришган

БУГУН

Б. ФИТИСЛОМОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ҚУРУВЧИЛАР БРИГАДАСИ ЯНА БИР ОБЪЕКТНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРДИ. Корхона яқинида қад кўтарган икки қаватли болалар боғчасида бирлашма ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари тарбияланишади. Ҳозир бинони жиҳозлаш ва унинг атрофларини ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти.

Эндликда «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги болалар боғчалари сони учтага етди.

Бичувчи Сабри Эннанов бир неча йиллардан буён «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида баракали меҳнат қилиб келяпти. «Бир беш йиллиқда — икки беш йиллик» шиори остида меҳнат қилаётган бу пешқадам ишчи айни кунларда смена топшириқларини икки баравар адо этмоқда.

Р. Загратдинов фотоси.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ЮБИЛЕЙИГА

22 январь куни Тошкентда атоқли совет шоири, таниқли жамоат арбоби Ҳамид Олимжон туғилган кунинг етмиш йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитетининг мажлиси бўлди. Министрликлар ва идораларнинг, иқтидор союзларнинг раҳбарлари юбилейга тайёргарлик тўғрисида ахборот бердилар. Юбилей 1979 йилнинг декабрида кенг нишонланади.

Шоир юбилейи — мамлакатимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлади. Республика нашриётлари ана шу шонли санага атаб Ҳамид Олимжон ўн томлик асарлар тўпламининг дастлабки китобларини, икки китоб қилиб поэмалар тўпламини, айрим асарларини босмадан чиқаради. Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри Ҳ. Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари» номли балладаси асосида шу номдаги балет яратиш устида иш олиб бормоқда. Ўзбекистон кинематографчилари шоирнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ранги ҳужжатли фильм яратмоқдалар. Республиканинг маданий-маърифий муассасалари — кутубхоналарда, маданият саройлари ва уйларида адабий кечалар ўтказилади, китоб виставкалари очилади. (ЎзТАГ).

Беш юзинчи тепловоз ремонтдан чиқди

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводи меҳнатсевар коллективи улуғвор ўнинчи беш йиллиннинг тўртинчи йилини зўр кўтаринки руҳ билан бошлади. Айниқса, корхонанинг тепловозларни синаш участкасида ҳар кунги иш гоятда қизғин бормоқда. Бу ерда бир кунинг ўзида 2—3 кудратли пўлат из «саманлари сифатли ремонтдан чиқарилиб, мамлакат деполарига жўнатилмоқда.

Бу участкада ремонтдан чиққан тепловозларни чиниқтиришда ва уларни олис манзилли магистраллар бўйлаб синовдан ўтказишда И. Файзиев, А. Раскезов, И. Мусин каби машинистлар жонбозлик кўрсатишмоқда. Булар тепловозларни Дарвоза-Чингелди магистрали оралиғида синовдан ўтказишмоқда. Куни неча 500 тепловозни синовдан ўтказиш моҳир машинист Йўлдош Файзиев зиммасига тушди. У кудратли машинани Жанубий Қозоғистон темир йўлининг депосига етказиб берди.

Смена топшириқларини 130—140 процент ва ундан ошириб адо этаётган бу синовчи машинистлар шу ойнинг ўзида 27 та тепловознинг ремонтини муддатидан илгари тугатишга аҳд қилишган.

У. МУҲАМЕДОВ.

ҚАРДОШЛИК ОЙЛАСИДА

Ўзбекистон маданияти намойиши

Шу йилнинг май ойида қардош Озарбайжон республикасида Совет Ўзбекистони адабиёти ва санъати кунлари ўтказилади. Ҳозирги пайтда кўпгина маданият даргоҳларида ана шу қардошлик учрашувларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Адабиёт ва санъат кунларида ташкил этиладиган махсус китоблар кўргазмаси ҳам ўзининг кенг кўлами билан диққатга сазовордир. Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитети бош редакторининг ўринбосари Николай Константинович Гацунаев ташкил этиладиган китоблар кўргазмаси ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Қардош ўлкада ўтказиладиган дўстлик учрашувлари учун Тошкентдаги нашриётлар ўзларининг муносиб совғаларини тайёрлашмоқда. Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётида бир неча номда бадиий асарлар тайёрланмоқда ва улар нашрдан чиқиш арафасида. Кўргазмага кўйиладиган Озарбайжоннинг йирик адиби Самад Вургуннинг ўзбек тилида танланган асарлари нашрдан чиқарилди. Бундан ташқари Расул Ризонинг «Ленин поэмаси», М. Иброхимовнинг «Парвона». Айлислининг повестлари, Наврўзнинг «Лирика», Наби Хазрининг «Парвоз», Н. Қасумовнинг «Пьесалар»и, С. Рустамовнинг «Озарбайжон чироқлари» сингари китоблари бор. Бундан ташқари Озарбайжон ёш ёзувчиларининг асарларидан иборат бўлган ҳикоялар тўплами ўқувчилар диққатига ҳавола қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжон меҳнатчиларининг турли соҳаларда эришган ютуқларига бағишланган алоҳида очерклар тўплами ҳам тайёрланмоқда.

Ўзбекистон китоблари кўргазмасидан «Ўзбекистон», «Еш гвардия», «Фан» нашриётларида чоп этилган жуда кўп нодир нашрлар ҳам ўрин олади.

Химия мўъжизаси

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз халқ хўжалигининг жадал суръатлар билан ривожланишида химиянинг аҳамияти бебаҳо бўлмоқда. Москвадаги СССР Халқ хўжалиги Ютуқлари виставкасининг «Химия саноати» павильонида ташкил этилган соҳалараро махсус виставка ана шу химиянинг мўъжизасини намойиш этишга бағишланган. Кўргазмада мамлакатимизнинг 700 дан ортиқ корхонаси ва ташкилотлари ўзининг бир неча минг экспонатини намойиш қилмоқда.

Тошкентдаги пахтачилик машиналари тайёрлаш бўйича механизация ва автоматлаштириш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг экспонатлари кўргазмага келувчи мутахассисларнинг диққатини жалб этмоқда. Тошкентлик мутахассислар техника тараққиёти янгиликларидан ўринли фойдаланиб яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар «Нива» комбайнининг деталларини тайёрлашда полиэтилен материалларидан кўпроқ фойдаланмоқдалар. Натижада деталларни тайёрлаш жараёнидаги — ишлар беш марта қисқарди, комбайннинг чидамлилиги ошди. Бу янгиликдан йилига 80 минг сўм иқтисодий фойда кўрилмоқда ёки ҳар йили 700 тонна металл тежаб қолинмоқда.

Бундан ташқари кўргазмадан Тошкент моделлар уйи, ўйинчоқлар фабрикасининг синтетик материаллардан тайёрланган маҳсулотлари ҳам ўрин олган.

СЕКРЕТАРЛАР СЕМИНАРИ

Ҳамза район партия комитетида район бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинари бўлиб ўтди. Уни район партия комитетининг иккинчи секретари Г. Г. Внучков очди. ТошМИ КПСС кафедрасининг мудири, профессор А. Ф. Водолазский «Раҳбар кадрларнинг ленинча иш услуби тўғрисида» доклад қилди. ТошМИ сиёсий-иқтисод кафедрасининг доценти М. М. Юсупов ўз сўзини социалистик мусобақага партиявий раҳбарлик масаласига бағишлади. Тошкент олий партия мактаби доценти Л. А. Ивановнинг суҳбати «Партия ва меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотлари» мавзусида бўлди. Тошкент шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Г. Ф. Любимов ўз нутқини ривожланган социализм даврида партия идеология ишининг масалаларига бағишлади. «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти лектори П. Г. Коваленко семинар иштирокчиларига халқаро аҳвол тўғрисида лекция ўқиди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ 23 январь куни Москвадаги Союзлар уйида А. И. Шибаев раислигида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Мажлисда СССР Олий Советига бўлажак сайловга тайёргарлик билан боғлиқ бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда бундан бўён ҳам сайловга тайёргарлик давомида СССР Конституциясига ва сайлов тўғрисидаги Қонунга оғишмай риоя этилишини, сайлов билан боғлиқ барча тадбирлар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Комиссиянинг сайлов кампанияси шундан кейинги босқичидаги навбатдаги вазифалари белгилаб олинди.

▲ Италия ҳукуматининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико расмий визит билан 22 январь куни Москвадан Римга жўнаб кетди. А. А. Громико шу куниёқ Римга келди.

Телетайп лентасидан

▲ ВАРШАВА. Польшадаги бутун уй-жой фондининг ярмидан кўпроғи халқ ҳокимияти йилларида барпо этилди. Ҳозирги юбилей йилидагина механизация ва саноатлаштиришнинг 340 минг оиласи янги квартираларга кўчиб ўтади. Шу беш йилликнинг ҳамма йиллари мобайнида эса ярим миллиондан зиёд оила ҳовли тўйи ўтказади.

Ҳозирги вақтда республикада неча ўнлаб уйсозлик комбинати бор. Бу комбинатлар СССР билан, шунингдек ГДР билан ҳамкорликда вужудга келтирилди. Барпо этилаётган барча биноларнинг 80 процентга якини индустриал методларини қўлланиш асосида қурилмоқда. Уй-жой қурилишининг кудратли базаси вужудга келтирилди. 130 дан зиёд уйсозлик комбинати ва йирик панеллар тайёрлайдиган корхоналар ишлаб турибди. Беш йиллиннинг тўртинчи йилида яна йигирмата шундай объект ишга туширилади.

▲ ЛА-ПАС. Боливия пойтахтида «Демократияга йўл очиқ!», «Фашизмга йўл йўқ!» деган шиорлар остида механизация ва меҳнаткашларнинг оммавий намойиши бўлди. Бу намойишда 40 мингга яқин киши қатнашди. Намойиш мамлакатдаги энг йирик Боливия ишчи маркази касаба союз бирлашмасининг даъвати билан ўтказилди.

Намойиш қатнашчилари ўта ўнг кучларнинг мамлакатда амалга оширилаётган демократлаштириш жараёнига халақит бериш йўлидаги ғоялариларига қарши қатъий норозилик билдирдилар. Норозилик намойишлари Боливиянинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтказилди.

● ДАККА. Бангладеш Коммунистик партияси барча тараққийпарвар ва демократик партияларни сайлов олди блокини тузишга чақирди. Бундан мақсад — «парламент сайлови вақтида ана шу партиялар номзодлари ўртасида беҳуда нураш олиб борилишига йўл қўймаслиқдир». Бангладеш Коммунистик партиясининг бу ерда эълон қилинган баёнотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: ҳозирги вақтда ўз мамлакатининг мустақиллиги ва тараққиёти учун курашаётган сиёсий партияларнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлиги ҳар қачонгидан кўра ғоят муҳимдир. Демократик партиялар сайлов олди блокининг вужудга келтирилиши, дейилади ҳужжатда, тараққийпарвар кучларни бирлаштириш соҳасида кенг кўламда олиб борилаётган ҳаракатнинг бир қисми бўлиб қолиши мумкин.

● ЛУСАКА. Замбия мактабларида янги ўқув йили бошланди. Бир миллиондан зиёд ўқувчи машғулотларни давом эттирмоқда.

Ёш республика мустақилликка эришгандан буён ўтган йиллар ичида саводсизликни тугатиш, аҳолининг билим даражасини ошириш соҳасида анча катта муваффақиятларни қўлга киритди. Мамлакатда мустамлакачилар ҳукмронлик қилган даврда мактаб ёшидаги ўғлиз болаларнинг фақат биттасигина бошланғич мактабга қатнаётган эди. Ҳозирги вақтда эса болаларнинг ҳаммаси ўқимоқда. Бепул таълим жорий этилди, неча ўнлаб янги мактаб бинолари қурилди.

Совет ўқитувчилари ёш авлодни тарбиялашда республикага катта ёрдам бермоқдалар. Улар кўпгина мактабларда ва олий ўқув юртларида ишлаб турибдилар. (ТАСС).

● ҚУВОНЧЛИ ЮТУҚ

● ҚОЛОҚ БОШҚАРМА ИШ

● ЗЛОБИНЧИЛИК ХАРАКАТИ ҚУЛОҚ ЕЙМОҚДА

● КАТТА МАРРАНИ КЎЗЛАБ

• *Бинокорлар беш йиллик вахтасида*

ЮКСАЛИШ БОСҚИЧИ

○

— Ўтган йил биз учун жуда оғир келди, —дейди «Таштранспецстрой» трестининг бошқарувчиси С. Расулов.— Йил бошида анча вақт турли бинокорлик материаллари етишмай, ишимиз орқага сурилди. Бироқ, коллективимиз фидокорона меҳнати, мусобақани кучайтириб ишлаши туфайли план топшириқларини ошириб бажариб, аввалги қолоқликнинг олдини олишга эришди.

«Таштранспецстрой» қурилиш трестининг бинокорлари Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармаси бунёд этаётган кўпқаватли турар жойлар, маданий-маиший иншоотлар ва саноат объектларининг фойдаланишга топширилишига ўз ҳиссаларини қўшишади. Чунки, трест бош пудратчи коллективларнинг ёрдамчи пудратчиси ҳисобланиб, у объектларга канализация, телефон тармоқларини ўтказиш, тезарак-атрофни текислаб, асфальт ётқизиш, бетон новлар ўрнатиш каби ишларни амалга оширади. Демак, объектларнинг ўз вақтида ишга туширилиш и д а «Таштранспецстрой» қурилиш трести коллективининг ҳам ҳиссаси каттадир.

1978 йили трестнинг қурувчилари, монтажчилари ўз зиммаларидаги юксак топшириқларни шараф билан адо этишди. Беш йиллик учинчи йилининг бош пудрат ишлари топшириғи 103,2 процентга, ўз кучлари билан иш бажариш вазифаси эса 101,9 процент уддаланди. Планга қўшимча 233 минг сўмлик қурилиш ишлари адо этилди. Бу йиллик социалистик мажбуриятда кўзда тутилгандан 100 минг сўмлик кўпдир. Трест кейинги йилларда биринчи марта меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 101 процентга бажарди. Бунинг натижасида 230 минг сўмлик қурилишмонтаж ишлари уддаланди.

Бўлинмаларда КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун кураш кучайди. Машина ва механизмлардан унумли фойдаланиш, бинокорлик материалларини тежаб-тергаб ишлатиш, рационализаторлар ва ихтирочиларнинг сафларини, уларнинг активлигини кучайтириш алоҳида аҳамият берилди. Бу эса ўзининг қувончли натижаларини кўрсатди. Янги техника ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этилиши сабабли 360 минг сўмлик иқтисодий фойда олинди.

Яна қувончлиси шуки, кейинги саккиз йил ичида трестнинг барча бошқармалари йиллик планни бажариб, янги йилни ёруғ юз билан кутиб олишди. Йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бошланган меҳнат беллашувида 37-қурилиш бошқармаси ғолиб чиқди. Бу коллективнинг меҳнаткашлари йиллик планни 8 декабрда адо этишди. Бошқа бошқармаларнинг коллективлари ҳам улардан ортда қолмаслиққа интилишиб, тез ва сифатли меҳнат қилишга муваффақ бўлдилар. Натижада 2-қурилиш бошқармаси 15 декабрда, «Термонозоляция» бошқармаси 20 декабрда йиллик маррани эгаллашди.

Бундай ютуқларга эришилишига ишлаб чиқаришга илғор иш усулларини оғишмай жорий этаётган бир қатор бригадалар катта улуш қўшдилар. Масалан, 2-қурилиш бошқармасининг Н. Барсуков, 71-қурилиш бошқармасининг Т. Эсонбоев, 72-қурилиш бошқармасининг В. Холов, 5-қурилиш бошқармасининг А. Мустафоев раҳбарлик қилаётган бригадаларининг азаматлари ҳар бир топшириқни тез ва сифатли бажаришга муяссар бўлишди. Бу бригадаларнинг аъзолари беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини СССР Конституциясининг бир йиллиги арафасида адо этишди. Ўмуман олганда, трестда 15 та бригада коллективи москвалик ишлаб чиқариш илғорларининг ватанпарварлик ташаббуси асосида ишлаб, уч йиллик планларини 1978 йилнинг 7 октябрига қадар уддалади.

Маълумки, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобининг бригада пудрати методи қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг энг прогрессив усули, у беш йилликнинг асосий шиори—сифат ва самарадорликка эришишда бинокорларга катта уфқларни очади. Шунинг учун трестда бундай усулда иш олиб боришга катта аҳамият бериляпти. Трестнинг тўққизта бригадаси ўтган йили ана шу усулда ишлади. Бошқармаларнинг раҳбарлари злобинчи коллективларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашди. Уларнинг объектларига бинокорлик материаллари уз вақтида келтирилди, белгиланган муддатларда иш фронти ҳозирланди, илғорлар қўлга киритаётган ютуқлар оммалаштирилди. Бу ўзининг ижобий натижаларини берди.

Айниқса, 37-қурилиш бошқармасида злобинчилар катта марраларни эгаллашди. Бу ерда иккита бригада Злобин усулида ишлади. Бригадалар қурилиш ишларининг сифатини ўстиришда, бинокорлик ишларининг тапшархини арзонлаштириб, муддатларини қисқартиришда. Злобинчи бригадаларда ишлаб чиқариш ҳажми бошқа коллективларникига қараганда 8—10 процентга ошди. Улар агар иш яхши ташкил этилса, объектлар ўз вақтида бинокорлик материаллари билан таъминланса, катта зафарлар қўлга киритилиши мумкинлигини исботлашди. Меҳнатда ибрат кўрсатган бригадаларнинг аъзоларига 2071 сўм ҳажмида мукофот берилди.

Мана, ўнинчи беш йиллликнинг тўртинчи йилига қадам қўйилди. Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли бу трест коллективи 1979 йилда янада катта марраларни кўзлашмоқда.

— КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорларидан руҳланган коллективимиз шу кунларда беш йиллликнинг тўртинчи йили планини муддатидан илгари адо этишга аҳд қилган ҳолда ишлаяпти,— дейди трест бошқарувчиси С. Расулов.

Коллективнинг қабул қилган социалистик мажбуриятига кўра, меҳнат унумдорлигини планга нисбатан 7 процентга ўстиришга, злобинчи бригадаларнинг сонини 15 тага етказишга, янгийўлликларнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, қолоқларсиз ишлашга қарор қилинган. Трестнинг барча бошқармаларида ўтган йилги иш сифати ва суръати сақланган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

М. ТИЛЛАЕВ.

Ушбу суратларда «Учқун» бирлашмаси галантерея фирмасининг илғор ишчилари Нина Ивановна Мартинова (чапда) ва Искра Семеновна Кислова (ўнгда)ни кўриб турибсиз. Нина Ивановнанинг корхонага ишга келганига 40 йил бўлиб қолди. Ветеран ишчи ҳамон смена топшириқларини ортиғи билан адо этади. Кислова эса халқ контроли группасининг аъзоси сифатида рейд ва текширувларда фаол иштирок этмоқда.

Машъал тўқувчи

МЕҲНАТДА Камол топган

Нина Васильевна навбатдаги сменани қабул қилиш мақсадида бугун ҳам ишга одатдагидек барвақт келди. Иш кийимини кийгач, дастгоҳларини кузатишга киришди.

— Хавотирланмасангиз ҳам бўлади, Нина Васильевна,— дастгоҳларингиз соз ишлаяпти,— деди шу пайт цехга кириб келган цех бошлиғи Лидия Луньченко. — Сизни парткомга чақиришти...

— Ўртоқ Ершова, Сизни чин юракдан табриклаймиз,— дея қарши олди комбинат партия комитетининг секретари А. Файзуллаева.— Сизга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан телеграмма келди. Унда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов Сизни юксак меҳнат зафарингиз билан қизғин табриклабдилар.

Партком секретари телеграммани ўқиб бергач, Нина Васильевнага узатди. У телеграммани ҳаяжон билан қўлига олганкан, шодлигини яширолмай: «Катта раҳмат, «Катта раҳмат» дерди...

Ҳа, орамизда шундай одамлар борки, ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини меҳнатсиз тасаввур этолмайдилар. Ўлар доимо қизғин меҳнат жабҳасида бўладилар. Берилган топшириқларни бажаришни ўзининг муқаддас бурчи, ошириб уддалашни эса шараф деб биладилар.

Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасининг тўқувчиси, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Н. В. Ершовани ҳам ҳеч иккиланмай ана шундай кишилардан бири деб айтиш мумкин. Унинг ҳақида комбинатнинг бирор ишчисиданми, смена мастери ёки цех бошлиғиданми, фабрика ёки комбинат раҳбарлари д а н м и, партия ёки комсомол комитетиданми сўраб қолсангиз, «...зардор, ташаббускор, аҳдига вафодор ишчи» деган жавоб оласиз.

Тўқувчининг характерини, меҳнатини чуқурроқ ўргансангиз чиндан ҳам шундай экаилигига ишонч ҳосил қиласиз. Нормадаги 24 ўрнига 56 дастгоҳни бошқараётган, бутун станокларни эйланиб ўтишга атиги 4—5 минут сарфлаётган, узилган томонни белгиланган 24 секунд ўрнига 16 секундда улаётган, натижада юқори унумдорликка эришаётган ҳамда илғор иш усулларидан оқилона фойдаланаётган, янги иш усулларини амалда тадбиқ этаётган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган Нина Васильевна бугунги кунда сўзсиз ўнинчи беш йиллик илғоридир.

Ҳамкасабаси Вера Ивановна Солдатованинг ўнинчи беш йиллиги бошида бошлаб берган «Бир беш йилликда — икки беш йиллик!» ташаббусини биринчи бўлиб қувватлаган Н. В. Ершова беш йилликнинг зарбдор учинчи йилига зарбдор якун ясади: беш йиллик бошидан бери ҳозиргача 2 миллион 233 минг метр хом сурп тўқиб, 3 йилда 7 йиллик планни бажарганлиги ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига рапорт берди.

Машъал тўқувчи ўзининг муносиб издошлари кўпайиб бораётганлиги билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Бугунги кунда Ершова каби кўпстанокчи тўқувчилар комбинатда юзлаб топилади. Ҳозирда қариб 1,5 минг тўқувчи ва йигирувчи юқори зичликда ишлаб, катта галабаларни қўлга киритмоқда. Д. Қулматова, К. Аникина, М. Асеева каби тўқувчилар ва А. Лабзин, С. Зиновьев, Х. Эргашев, Қ. Абдураимов, У. Мингалиев, Г. Ким сингари мастер ёрдамчилари бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадалари 1981 йил ҳисобига, Н. Чекмазова, А. Селезнов, Ф. Маҳмудова, Н. Турсунбоева, Л. Каримбердиева, Н. Ланкина каби тўқувчилар билан бирга М. Турсунхўжаева, В. Эргашева каби қўллаб йигирувчилар 1980 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Тўрт юздан ортиқ ишчи эса шу йилнинг иккинчи ярми ва охири ҳисобига маҳсулот топширишмоқда.

Комбинат қучоғига янги кириб келаётган ёшларга мураббийлик қилаётган Нина Васильевна уларга ўз касбининг сир-асрорларини мукаммал ўргатиб, қизларнинг тўқув дастгоҳларини тўла ўзлаштириб олишларида яқиндан ёрдам бериб келяпти.

— Ўнинчи беш йиллиннинг тўртинчи йилини ўз меҳнат календаримда 1983 йил ҳисобини очиш билан бошладим,— дейди машъал тўқувчи. — Ўртоқ Шароф Рашидовнинг табриги мени меҳнатда яна ҳам юксак марраларни эгаллашга илҳомлантирди. 1980 йил апрель ойигача ўн биринчи беш йиллик топширигини уддалаб, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга азму қарор қилдим.

М. НЎЛДОШЕВ,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси.

ХУШХАБАРЛАР

Свердлов ва Бухоро районларининг марказларида қурилган янги машиний хизмат кўрсатиш уйлари гражданларга хизмат қила бошлади. Ана шу корхоналарнинг ҳар бирида 50 тадан иш жойи бор. Кийимкечак ва пойафзал тикадиган, электр рўзғор асбобларини ремонт қиладиган устахоналар, фотосалонлар, сартарошхоналар қишлоқ меҳнатчилари хизматида.

∴∴∴

Урганчдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган фабрикада жорий этилган фотографик ускуна жун рўмолларга чиройли миллий гул солади. Бу йил гоят харидоргир бўлган гул солинган 80 мингдан кўпроқ жун рўмолни реализация қилиш мўлжалланмоқда.

∴∴∴

Бухородаги вагон депосида махсус қийимларни химиявий йўл билан тозалайдиган машина ўрнатилди. Автомат ҳар қандай газламадаги ҳар қандай доғни тозалайди. Шу тариқа ишчилар смена бошланиши олдидан тозаланган махсус кийим олиб, уйга кетиш вақтида комбинезонларини яна тозалаш учун топширадилар.

(ЎзТАГ).

• *Ишга туширилаётган объектда*

БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ

— Корхонамизда 600 га яқин киши меҳнат қилади, — дейди чўтка фабрикасининг директори, Улуғ Ватан урушининг биринчи группа инвалиди Николай Григорьевич Гогичаев. — Пахта териш машиналарига техник чўткалар, қурилишда пардоз ишларида қўлланиладиган турли чўткалар ишлаб чиқарамиз. Ҳар йили 2,9 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаяпмиз. Фабрикамиз Ўзбекистон Кўрлар жамияти корхоналари ўртасидаги мусобақада пешқадамдир. Биз янада яхши ишлашимиз мумкин эди. Бироқ... яхшиси, корхонамизнинг цехларини бир айланиб, қандай ишлаётганлигимизни кўринг.

Фабриканинг қурилиш ишлари бўйича техник назоратчиси Анатолий Васильевич Гугай билан ташқарига чиқдик. Директорнинг хонаси жуда тор эди. У ерга тўртта одам киргудек бўлса, бешинчи одам сиғмайди. Ҳавоси ёмон, кўчада машина ўтгудек бўлса, гумбурлаган овоз эшитилиб, машина худди устингизга бостириб келаётгандек туюлади.

Корхонанинг цехларига киришимиз билан яна аввалги ҳолатни бошдан кечирдик. Цехлар (агар уларни шундай деб номлаш мумкин бўлса) жойлашган бино жуда кичик экан. Бир пайтлар бу эски, нурай бошлаган бино уй-жой бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик у ерга фабрика кўчириб келтирилган. Ҳар бир хонада беш-олти киши ўтириб, чўтка тайёрлаяпти. Атроф ифлос. Деворлар шўрлаб кетган, сувоқлари кўчган. Зах ҳиди анқийди. Бу ерда ишлаётган одамларнинг сабр-тоқатига тан бериб, бошқа хонага кирдик. У ерда ҳам аввалги хонадаги сингари аҳволни кўрдик.

Фабриканинг бу территорияси беш-олтита цехчалар бўлиб, уларнинг ҳаммаси бир-биридан хароб. «Бош инженер» деган сўз ёзилган хона очиқ экан, мўраладик. Инженернинг каталакдек хонасининг бир тарафдаги девори йиқилиб, водопровод кранидан чакиллаб сув томаётган ювиниш хонасига дарча очилибди. Бош инженер бундай хонада қандай ишларни, хайронмиз.

— Девор бундан бир ҳафта илгари тушиб кетди, — деди Анатолий Васильевич. — Уни қайта уриб бўлмайди. Чунки кўриб турибсизки, деворни шўр босган. Барибир тушиб кетади. Энди фанер ёки тахта билан тўсиб қўймоқчимиз.

Таъбимиз хуфтон бўлиб директорнинг хонасига кириб келдик. Унинг олдида бир неча нафар ожиз кишилар ўтиришибди. Улар цехларнинг совуқлиги натижасида ишлаш қийин бўлаётганлигини, баъзилар шамоллаб қолганлигини арз этиб туришган экан.

— Нима қилишга ҳам ҳайронман,— деди директор. — Хоналарни иситишга ҳаракат қиляпмиз, аммо эски бинони иситиш қийин бўларкан.

— Янги корпус қурилади, деганингларга ҳам бир неча йил бўлди. Ҳалиям битгани йўқ, — деди ишчилардан бири норози оҳангда.

— Қурувчилар ваъда кетидан ваъда беришяпти. Лекин уни бажаришмаяпти.

Мен ожиз бўлишларига қарамасдан соғ одамлар билан бир сафда бўлишга интилиб, бир бурда нонини виждонан меҳнат қилиб топаётган, кўзлари ожиз, иккала кўли ҳам ногирон, ҳатто имзо қўйишга ҳам қийналадиган фабрика директори ва у билан бирга ишлаётган ишчиларнинг сўҳбатини тинглар эканман, партия ва ҳукуматимиз кўзи ожиз кишиларга кўрсатаётган катта ғамхўрликлар ҳақида ўйладим.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети Узбекистон Кўрлар жамияти фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштириш хусусида бир қатор кўрсатмалар қабул қилган. 1978 йилнинг 12 июль куни эса Узбекистон Компартияси ва Узбекистон ССР Министрлар Совети республикамиздаги бир қатор қурилиш министрликлари билан бирга, «Главташкентстрой» (бошлиғи ўртоқ Т. Н. Набиев) Кўрлар жамиятининг объектларини қуриш ишларига панжа орасидан караб, уларни ишга тушириш муддатларини барбод этишаётганлигини эслатиб, бу борада ўзгариш ясаш лозимлигини, объектлар белгиланган вақтларда битказилиши йўлида чора-тадбирларни кўриш лозимлиги уқтирилган эди. Шунингдек, «Главташкентстрой» Тошкентдаги чўтка фабрикаси қурилишини 1978 йилнинг июль ойида, турар жой биноларини эса учинчи кварталда, аниқроғи, сентябрь ойида битказиб, фойдаланишга топириш кераклиги айтилган эди.

Бу муддатларда қурилиш ишлари тугалланмади. Ўтган йили ноябрь ойида фабрика директорининг номига қўйидаги мазмундаги хат келди: «Главташкентстрой» 1978 йилги халқ хўжалик планида кўзда тутилган 13 минг квадрат метр саҳнга эга бўлган Тошкент чўтка фабрикасининг қурилишини тугаллаш керак эди.

Январь— октябрь ойларида комплекс қурилишида 44 минг сўм ҳажмида умумий қурилиш-монтаж, том ёпиш ишлари бажарилди. Бироқ пардозлаш, махсус монтаж ишлари адо этилмади. Ташқи инженерлик коммуникациялари қурилишида иш олиб борилмоқда.

3-қурилиш трести раҳбарларига объектда қишки мавсумда иш олиб бориш ҳақида кўрсатмалар берилди.

«Главташкентстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари В. Колесников».

Мактубни тўла кўчирдик. Кўринди турибдики, унда қурилиш ишлари нима учун бажарилмаганлиги, бинокорлар объектни қачон ишга туширишлари ёзилмаган.

Аслида бу объект қурилишига 1973 йилнинг февраль ойида киришилган бўлиб, бош пудратчи— 3-қурилиш трестининг 15-қурилиш бошқармаси объектни 1977 йилнинг IV кварталида битказиши лозим эди. Фабрика директорининг сўзига қараганда, бинокорлар қурилишни шу йилнинг учинчи кварталида тугаллашга сўз беришди. Аммо объектда қурилиш ишлари жуда суст бажариляпти.

Фабрика биноси қурилаётган 1-Қўйлиқ массивидаги участкада қурувчилар жуда оз экан. Ишга туширилиши лозим бўлган объектда қурувчиларнинг нима сабабдан камлигини сўраганимизда бошқарманинг барча бинокорлари Мунис кўчасида фабриканинг янги турар жой биноси қурилишида ишлашаётганлигини айтишди. Трест раҳбарларининг гапига қараганда, бу бино ўтган йили декабрь ойида битказилган, объект қабул комиссиясига топширилган эди.

— Э, объект топширилган бўлсаям, у ерда талай ишлар бор эди, — дейишди қурувчилар.

Объектда трест ишлаб чиқариш бўлими бошлиғининг ўринбосари Ренат Сулаймоновни кўриб қолдик. У фабрика қурилиши билан боғлиқ кўп масалалардан хабардор экан.

— Комплекс қурилишининг лойиҳа-смета қийматига ремонт-механика цехи, материал омборини қуриш ишлари киритилмаган экан, —деди у.— Шу сабабли объектда иш сал оқсаяпти. Бундан ташқари, «Главташкентстрой» саноат корхоналари бошқармасига қарашли тажриба-механика заводи 50 тонначa металл конструкцияларини етказиб бермади. Завод бу материали ўтган йили тайёрлаб бериши керак эди. Бу ҳам ишимизни орқага суряпти. Ердамчи пудратчилар яхши ишлашмаяпти. «Ташсантехгазмонтаж», «Промвентиляция» трестлари объектда ишлашмаяпти. Аммо трестимизнинг 44-бошқармаси пардозчилари объектда меҳнат қилишмоқда.

Саноат корхоналари бошқармасининг тажриба-механика заводи раҳбарлари металл йўқлиги ва фабрика қурилишидан ҳам зарур объектлар борлиги учун металл конструкцияларни тайёрлаб бера олмаганликларини айтишди...

Чўтка тайёрловчилар орзиқиб кутаётган фабрика ишга тушса, бу ерда маҳсулот тайёрлаш қарийб икки марта ошади, ишчиларнинг меҳнат қилишлари учун энг зарур шарт-шароитлар муҳайё этилади. Янги корхона қурилишида ишлаётган қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари баҳоналарни бир четга суриб, объектни тезроқ битказиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўришлари талаб этилади.

А. НИЁЗОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

СССРНИНГ БУЮРТМАСИ БИЛАН

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндиянинг Раума шаҳридаги кемасозлик корхонасида Совет Иттифоқининг «Судоимпорт» ташқи савдо бирлашмаси вакилларига 6500 тонна ҳажмли «Печенга» ёнилги қуювчи танкери топширилди.

Шу билан кемасозлик корхонасида СССР буюртмасига мувофиқ қурилган шу типдаги учинчи кема топширилди.



Польшанинг улкан қурилиш кранлари кўнка бўй чўзмаган шаҳар ёки районларини излаб топиш қийин. Бу кранлар янгиланаётган республиканинг, унинг эртанги кунининг рамзи бўлиб қолган.

Ушбу сурат Люблин шаҳридаги пўлат қуйиш заводи қурилишида олинган. Польша металлургиясининг бу йирик объекти 1980 йилнинг охирларида ишга тушади.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

Самарали ҳамкорлик

ФРИТАУН. Совет Иттифоқи билан Сьерра Леоне ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга кучаймоқда. Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар дўстлик, ички ишларга аралашмаслик ва бир-бирларининг суверенитетини ҳурматлаш принципларига асосланган. Совет Иттифоқи ёш республикага ўтмишдаги мустамлакачилик сарқитларини тугатишга ва миллий экономика пойдеворини қуришга ёрдам бермоқда.

Бизнинг мамлакатимиз балиқчилик хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, денгиз соҳилларидаги хом ашё ресурсларини ўзлаштиришда, балиқчилик миллий саноатини вужудга келтиришда Сьерра Леонега ёрдам бермоқда. Сьерра Леоне ҳукумати совет мутахассислари тузиб чиққан мамлакат балиқчилик хўжалигини ривожлантиришнинг ўн йиллик планига юксак баҳо берди. Ҳозирги вақтда СССРнинг олий ва ўрта ўқув юртларида Сьерра Леонедан келган 300 дан ортиқ йигит ва қиз таълим олмоқда.

Сьерра Леонининг кўпгина шаҳарларида совет медиклари фидокорона ишламоқда. Улар минглаб мураккаб операцияларни муваффақиятли ўтказишди. Совет Иттифоқи намояндалари ёш республиканинг врачларига ўзларининг бой тажрибаларини ўргатмоқдалар. Сьерра Леоне президенти Сиака Стивенс «Совет врачлари республикада соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришга иложоно ҳисса қўшганликларини уқтириб ўтиб, уларнинг меҳнатига юксак баҳо берди.

С. СУЧКОВ,
ТАСС мухбири.

Космосни эгаллаш режалари

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилотининг Пиньяндаги (Карнатака штати) космик марказининг директори профессор У. Р. Рао ТАСС мухбири билан суҳбатида Ҳиндистоннинг иккинчи ер сунъий йўлдошини яратиш ишлари якунловчи босқичга ўтганлигини маълум қилди. Йўлдош совет учирувчи ракетасининг ёрдами [illegible] ўтказилади.

Янги [illegible] аввалги нисбатан [illegible] Арнабатага [illegible] анча мураккаб [illegible] асбоблар билан [illegible] ҳозланган. Унда телекамералар системаси, микротўлқин радиометрлар ўрнатилган. Олимларнинг бу йўлдош орқали оладиган маълумотлари Ҳиндистон территориясидаги фойдали қазилма запасларини аниқлаб олишларига, сув ва ўрмон ресурслари, қирғоқ бўйининг бойликлари, Ҳимолай тоғидаги қор қўрпасининг қолати тўғрисида маълумотларни аниқлашга ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси миллий экономика учун катта амалий аҳамиятга эга.

Ҳиндистон, деди У. Р. Рао, Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик туфайли космик фазони ўзлаштиришда катта-катта муваффақиятларга эришди. Бугунги кунда Ҳиндистон олимлари космосни тадқиқ этиш соҳасида мураккаб илмий-техникавий проблемаларни ҳал қилмоқдалар. Янги космик эксперимент СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

БРАЗИЛИЯНИНГ БЎЛАЖАК ҲУКУМАТИ

БРАЗИЛИЯ. Бразилиянинг бўлажак президенти Жуан Батиста Ди Олейвера Фигейреду бу ерда шу йил 15 мартдан бошлаб ўз лавозимини бажаришга киришадиган ва ўзи тузган янги ҳукуматнинг составини эълон қилди. У ҳукумат программасини ҳам қисқача баён қилиб берди.

Бўлажак президент мамлакат олдида иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги проблемаларнинг мураккаблигини уқтириб ўтди. Пул қадрсизлигининг юксак даражада эканлиги, бошқа давлатлардан қарзнинг гоят кўплиги, иқтисодий тенгсизлик шу проблемаларни келтириб чиқарган. У, жумладан граждаилар ҳуқуқини таъминлашга қаратилган сиёсий ислоҳотларни давом эттириш керак, деб айтди. Бўлажак президент ички ишларга аралашмаслик ва тинч-тотув яшаш принциплари асосида барча мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришга интилажагини таъкидлади.

ХИЛМА-ХИЛ МЕБЕЛЛАР

БУДАПЕШТ. Венгер конструкторлари янги моделдаги мебелларга «Мозайка», «Фиравн», «Дарё» номларини қўйишди. Болаларга мўлжалланган мебель, айрим элементлардан иборат девор шкафлари, сунъий чарм ишлатиб, ясалган юмшоқ мебель кўплаб ишлаб чиқарилади. Венгер мебелини қардош социалистик мамлакатларга, шу жумладан СССРга юборишга анча кўпаяди.

Болалар чизган расмлар

ДАМАШҚ. Халқаро болалар йили муносабати билан Сурияда болалар учун маданий-тарбия в и й тадбирларнинг катта программаси ишлаб чиқилди. Жумладан, «Тишрин» газетаси бу йил болалар учун махсус саҳифа очди. Бу бўлимда араблар дунёсидаги болаларнинг аҳволи, уларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ проблемалар ёритилади. Бу саҳифада болаларнинг шеърлари, ҳикоялари ва чизган расмлари берилади. Газета болаларнинг конкурсларини ҳам ташкил этиш ниятидадир.

КУБАНИНГ САВДО КЕМАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

ГАВАНА. Ўтган йили Куба савдо флотининг денгизчилари энг кўп миқдорда — 2 миллион тоннадан кўп юк ташидилар.

Транспортнинг бу тури қуруқликдаги чегараларга эга бўлмаган республика учун катта роль ўйнайди. Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида савдо флотининг умумий тоннажи 14 баравар кўпайди, улар қатнайдиган мамлакатлар сони ҳам ошди. Куба байроғи остида сузаётган кемалар сони йил сайин кўпаймоқда. Республика савдо флотига ўтган йилнинг ўзидагина яна 6 та замонавий кема қўшилди.

Японияда яқинда хотин-қизларнинг Халқаро болалар йилига бағишланган мана шундай безаги ишлаб чиқарилди.

ЖАПАН Пресс—ТАСС фотоси.

ТАМОМИЛА МОС

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Коммунистик партияси мамлакат ҳукумати Камбоджанинг янги ҳукуматини дарҳол тан олишга даъват этди. Ҳиндистон Коммунистик партияси парламент фракциясининг раҳбари Б. Гупта Ҳиндистон бош министри М. Десанга юборган баёнотида бундай дейилади: бир қанча давлатлар Пномпенда Камбоджа Миллий Нажот бирлашган фронти марказий комитетининг раиси, халқ революцион кенгашининг раиси Хенг Самрин бошчилидаги тузилган янги ҳукуметни таниди. Ҳиндистоннинг ҳам худди шундай йўл тутиши халқаро қонунлар ва таркиб топган практикага тамомила мос бўлиб тушган бўлур эди.

(ТАСС).

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Э. АКБАРОВ: Ўзбекистон амалий санъати усталари ишлаб чиқарган буюмлар мамлакатимиз ташқарисида ҳам маълум ва машҳурдир. Айтингчи, ана шундай санъат асарларини кенгроқ ассортиментда қаерлардан харид қилиб олиш мумкин?

Жавоб: В. И. Ленин проспектида, Марказий универсал магазини рўпарасида Ўзбекистон рассомлар Союзининг биноси жойлашган. Ана шу ерда виставкалар зали ва шу Союзнинг магазини бор. Бу ердан республикамиз амалий санъати усталарининг графика, живопись асарларининг ранг-баранг намуналарини харид қилиб олишингиз мумкин.

∴ ∴ ∴

Ш. СОЛИҲОВ: Мен шаҳримизда қурилиш материаллари билан савдо қиладиган магазинлар адреси билан таништиришингизни сўрайман.

Жавоб: Салор қурилиш материаллари базасининг ўндан ортиқ магазинлари ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатяпти. Шуни таъкидлаш керакки, бу магазинларнинг кўпчилиги аҳоли гавжум бўладиган шаҳримиздаги йирик бозорлар территориясида жойлашган. У ерда нақд пулга турли-туман қурилиш материалларини харид қилиш мумкин. Қўйлиқ, Октябрь, Бешёғоч, Олой бозорларидан ташқари Уйғур, Б. Хмельницкий кўчаларида, Бешқайрағоч массивида ҳам қурилиш материаллари билан савдо қиладиган ана шундай йирик магазинлар жойлашган.

∴ ∴ ∴

Ф. ИҲЛДОШЕВ: Мен профессионал-ҳайдовчилар курсига ўқишга кирмоқчи эдим. Бу масалада айни шу кунларда қаерга мурожаат қилсам бўлади. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Шу кунларда «Ташкентдорстрой» трестининг ўқув комбинати «С» категориясидаги профессионал-ҳайдовчилар курсларга кишиларни қабул қилмоқда. Унга кириш учун паспорт, ҳарбий билет, меднинг справкаси ва бошқа ҳужжатларни олиб келиш керак. Ўқув пунктига 23, 26, 30, 61, 125-автобусларда борилади. Автобусларнинг «Янгиобод» бекатида тушилади. Курсга ўқишга қабул қилинганлар ойига 60 сўмдан стипендия билан ҳам таъминланадилар.

∴ ∴ ∴

А. ТЕМУРОВ: Шаҳримизда фин ҳаммомлари бор деб эшитдим. Шу тўғрими?

Жавоб: Тошкентда иккита фин ҳаммоми ишлаб турибди. Улардан бири Лабзак кўчасида (Алоқа политехникуми ёнида) ва иккинчиси Маннон Уйғур кўчасида (Чорсуда)дир.

∴ ∴ ∴

В. ҒУЛОМОВА: Шаҳримизда зоология магазинлари бор экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Бундай магазинлардан бири Волгоград кўчасидаги 11-уйда жойлашган. Унда турли-туман акватиум ва балиқларнинг турли зотлари бор. У ерга 13-троллейбусда борилади. Шунингдек, Х. Олимжон кўчасидаги 23-уйда ҳам шундай зоология магазини жойлашган. У ерга 5-троллейбусда борилади. Бундан ташқари шаҳримизнинг «Марказ— 5» кварталидаги 66-уйда ҳам шундай магазин бор.

∴ ∴ ∴

Н. ТУРОПОВА: Шаҳримизда эски пахталарни янгилаб берадиган цех бор экан. Шу ҳақда билишни истар эдик.

Жавоб: Қорасарой кўчасидаги 296-уйда шундай цех бор. У ерга 43-автобусда борилади. Бундан ташқари шундай пунктлардан бири Куйбишев шоссесидаги 370-уйда, Юнусобод массивининг Энгельс кўчасидаги 1-уйда ҳам бор.

Шифокор қабулида

Оғир жароҳат

Тана куйиш ҳоллари қиш фаслида кўп учрайди. Бунга асосан хоналарни иситишда газдан, печкадан, электр асбобларидан, сандал ва бошқалардан нотўғри фойдаланиш сабаб бўлади. Иситиш системаси яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли печкаларнинг дудбурони — тутун чиқиш йўллари бекилиб қолади, нос газ тўпланади, натижада одамлар заҳарланиши, ўт чиқиши натижасида тана куйиш ҳоллари юз бериши мумкин. Баъзи оилаларда сандалдан фойдаланишади, унга оёқ тиқиб ўтиришади, четида ухлашади. Натижада бирдан оёқ куйиб қолиши, қаттиқ нос тегиши, турли кўнгилсизликлар содир бўлиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий текшириш институти қошида куйиш натижасида содир бўладиган оёқ ва қўл чандиқлари жуда яхши даволанмоқда. Алижон исмли бир йигит гўдаклик пайтида сандал четида ётиб икки оёғи куйиб, чангак бўлиб қолган. Яқинда у институт қошида операция қилинди ва соғайиб кетди.

Куйиш ҳоллари, ёғни қаттиқ қиздириш пайтида ҳам содир бўлади. Баъзида ёғ ёниб ҳам кетади. Бунда уни сув билан ўчириб бўлмайди. Чунки сувнинг солиштирма оғирлиги ёғдан оғир бўлганлиги сабабли у қозон тагига чўкиб, ёғ ёнишда давом этаверади. Ёғ ёнганда уни фақат қозон ёки кастрюлка қопқоғи билан яхшилаб (герметик ҳолатда) бекитиш керак, шундагина у тезда ўчади.

Керосин билан ишлайдиган асбобларни ишлатишда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. Примус ва керосинкадан фойдаланган вақтда олдин унинг устки қабатини керосиндан яхшилаб тозалаш, артиш лозим.

Газ аппаратларидан фойдаланаётганда газни ёқишдан аввал аппаратга энгашманг. Газ грелкасини бураш билан гугуртни чақиб тез тутиш керак, акс ҳолда, агар газ олдин бураб қўйилса портлаш ҳоллари рўй бериши мумкин. Яна шуни унутмангки, гугурт ёққанда чўпни ўзингизга қараб чақманг, уни узоқроқ тутиб, четга томон чақиш керак.

Совуқ кунлари шиша идишларга чой қуйганда ўғрилиб кетиши, оёқ ёки қўл қаттиқ қуйиши мумкин. Шунинг учун идишларни олдин иликроқ сув қуйиб иситиш, стаканга эса қошиқ солиб қўйиб кейин чой ёки қайноқ кофе қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ота-оналар, тарбиячилар, умуман катталар болаларнинг ўт билан ўйнашишига, гугурт чақишларига йўл қўймасликлари керак. Бу ёмон оқибатларга олиб келиши ҳаммамизга аён.

Қиш кунлари давомида печкаларни кўздан кечириб туриш, дудбуронларни тез-тез тозалаш, сандалга кўрпа-кўрпач а л а р, ёнадиган буюмлар ва бошқа нарсалар тушиб кетишидан эҳтиёт бўлиш керак.

Тананинг куйиши оғир жароҳатларга олиб келишини, ёнган кўп фалокатларга сабаб бўлишини медицина ходимлари, Қизил Ярим Ой жамияти аъзолари, ўқитувчилар ва бошқа масъул кишилар жамоат ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришлари керак.

Т. ҲАСАНОВ,
медицина фанлари кандидати.



Собир Раҳимов районининг Қорақамиш массивида жойлашган 33-поликлиника бир кеча-кундузда мингга яқин ҳамшаҳаримизга медицина хизмати кўрсатади. Поликлиника қошида биохимия лабораторияси ва дастлабки травматология ёрдами кўрсатиш кабинети ишлаб турибди.

СУРАТДА: травматология кабинетининг ишчан ҳамшираси Вера Свиридова беморларни қабул қилишга тайёрланмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

• Билиб қўйган яхши

ИНСОНГА ҚАНЧА ҲАВО КЕРАК?

Инсон ва ҳайвонлар нафас олганда кислородни қабул қилиб, атроф-муҳитга карбонат ангидридни чиқаришлари ҳаммага маълум. Аммо, инсон нафас чиқарганда карбонат ангидриддан ташқари яна ўнлаб органик бирикмаларни ҳам ажратиб чиқариши кўпчиликка маълум бўлмаса керак. Шуниси қизиқки, бу бирикмалар орасида инсон ҳаёти учун ҳавфлилари ҳам бор.

Узоқ вақтлардача хона ҳавоси софлигини баҳолашда ҳаводаги карбонат ангидриднинг миқдори мезон қилиб олинар эди. Санитария нормаларига кўра карбонат ангидриднинг миқдори 0,1 процентдан ошмаслиги керак. СССР Медицина фанлари академияси умумий ва коммунал гигиена институтида олиб борилган ишлар бу мезоннинг етарли эмаслигини исботлаб берди.

Микроиқлим яратишга мосланган ёпиқ хонага 6 киши киритилди. Улар ўқиш билан машғул бўлдилар. Тадқиқотчилар эса газни анализ қилувчи хроматографлар, фотокалориметлар ва бошқалар ёрдамида иқлимнинг ўзгаришини кузатиб бордилар. Икки ярим соат ўтгандан сўнг хона ҳаворати 3 даража ошганлиги, карбонат ангидриди миқдори 2 мартадан кўпроқ ошганлиги аниқланди. Бахтиярлар ва аммиак миқдори уч мартадан кўп, чанг миқдори эса ўн марта ошди.

Инсон нафас чиқарганда йигирма бешдан ортиқ бирикмалар ажратиб чиқиши аниқланди. Буларнинг ичида бутан, бутилен, этилен оксиди, бутадиен, винилацетат, хинолин ва бошқа моддалар борлиги исботланди. Текширилаётган кишиларнинг нафас олишларида, юрак-томирларин и н г фаолиятида сезиларли ўзгариш кузатилмади, аммо уларнинг ақлий меҳнат фаолиятлари сезиларли даражада ўзгарди.

Хонани шамоллатиш бошланди. Бунда янги ҳавони киритиш секинасталик билан кўпайтириб борилди. Ҳар бир кишига соатига 120 куб метр янги ҳаво тўғри келганда хонадаги зарарли моддалар миқдори нормадагига яқинлашди. Биз бу рақамни эсдан чиқармайлик ва хонамизни тез-тез шамоллатиб турайлик. Тоза ҳаводан ҳали ҳеч ким касаллангани йўқ.

Д. ЮСУПОВ,
химия фанлари кандидати.

КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК МАБЛАҒЛАРИГА

СССР Медицина фанлари академияси онкологик илмий марказининг клиник комплекси қуриб битказилди. Шу ерда, Москванинг жанубий-шарқида, Кашира тош йўли ёқасида жойлашган жаҳонда энг катта онкология марказларидан бирида мутахассислар онкологик касалликларга қарши кураш воситаларини излайдилар.

Марказни қуриш ва уни энг янги медицина ускуналари билан жиҳозлашга меҳнаткашлар ленинча коммунистик шанбаликда ишлаб топган пуллан ажратилди.

Янги клиник комплекса минг ўринли клиникаси бўлган 24 каватли даволаш корпуси, йигирмата операция заллари бўлган хирургия блоки, операциядан кейин касаллар ётқизиладиган бўлим, лабораторияси бўлган диагностика хизматини ўз ичига олади.

Марказ территориясидаги бинолар ансамблига болалар клиникаси ва радиология клиника, катталар ва болалар поликлиникалари, Москвага келувчи беморлар ҳамда марказ меҳмонлари бўлмиш мутахассислар учун қурилган икки меҳмонхона киради.

(ТАСС).

ИНСТИТУТ ҲУЗУРИДА ПОЛИКЛИНИКА

Андижон Давлат медицина институти ҳузурида консультация поликлиникаси ишлай бошлади. Бу ерда Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқларидан келгач беморларга олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилар состави— ўн олти тиббий профилдаги юқори малакали мутахассислар хизмат қилади.

Янги поликлиника замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Биохимик ва клиник лабораториялар, физиотерапия, электрокардиология кабинетлари ва бошқа кабинетлар ишлаб турибди.

(ЎзТАГ).

• Сўраган экансиз...

ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

М. ТОШПЎЛАТОВА: Ҳурматли редакция! Менинг икки яшар қизим бор, унинг чап оёғи бир оз оқсоқланади. Шаҳримизда уни даволайдиган шифохона борми?

Жавоб: Бор. Оқсоқланиш республика ихтисослаштирилган болалар рухий касалхонасида даволанади. Бу касалхона қошида поликлиника м а к т а б ҳам мавжуд бўлиб, бу ерда ёш оналарга болаларни тўғри парваришлаш, уй шароитида массаж қилиш ҳақида фойдали маслаҳатлар берилади. Мазкур шифохона Куйбишев район Луначарское шоссесидаги Гончаров кўчасига жойлашган. У ерга 1-автобусда бориш мумкин.

∴ ∴ ∴

Ғ. МАДРАҲИМОВ: Мен Совет Армияси сафида хизмат қилиб келдим, энди Тошкент Давлат фармацевтика институтига кириб ўқиш ниятим бор. Бу олий ўқув юртида қайси мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланади?

Жавоб: Тошкент Давлат фармацевтика институти қирқ уч йилдан бери Ўрта Осиё республикалари учун малакали доришунос кадрлар етказиб бермоқда. Илгари бу институт Тошкент Давлат медицина институти билан бирга эди. Ҳозирги кунда у замонавий типда қурилган кўп қаватли ёруғ ва шинам бинога кўчиб ўтган. Институт Кафанов кўчасидаги 35-уйга жойлашган. Мазкур институтга 9-автобус ҳамда 8, 9 ва 10-трамвайларда бориш мумкин.

∴ ∴ ∴

Ш. ОБИДЖОНОВ: Шаҳримизда консультация-поликлиника шифохонаси борми?

Жавоб: Шаҳримизда шундай консультация-поликлиника шифохонаси бор. Бу шифохона Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли бўлиб, Октябрь район Олмазор кўчасидаги 57-уйга жойлашган. Унга 1- ва 4-трамвайларда бориш мумкин.

∴ ∴ ∴

М. МАМАТОВА: Аёлларга ҳомиладорлик вақтида касаллик варақаси берилади. Шу даврда касаллик варақаси учун ҳақ тўлаш тартиби қандай бўлади? Бир ярим ставка билан ишлаган ҳомиладор аёлга шу миқдорда ҳақ тўланадими ёки бир ставка юзасидан ҳақ тўланадими?

Жавоб: Ишчи ёки хизматчи аёлларга ҳомиладорлик даврида ҳамда вақтинча саломатлиги йўқолган тақдирда шифокорлар томонидан касаллик варақаси берилади. Ҳомиладорлик учун касаллик варақасига ҳақ тўлашда бир ставка юзасидан юз процент тўланади. Касаллик варақасига касаллик учун ҳақ тўлашда эса ишчи ёки хизматчининг умумий иш стажи ҳам ҳисобга олинади. Бу қонда унга неча процент ҳисобда ҳақ тўлашга асос бўлади.

∴ ∴ ∴

Т. АҲМЕДОВ: Ошқозон касаллигига чалинган кишилар бу хасталикдан етарли шифо топиш учун нима қилишлари керак?

Жавоб: Ошқозон хасталигига чалинган беморлар шаҳримиздаги турли шифохоналарда даволанади. Чунончи, Республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг биринчи ва иккинчи клиник касалхонасида, Узбекистон ССР Ўлка медицина илмий текшириш институтида ёки «Чинобод» санаторийсида даволанади.

Ошқозон касалини даволашда пархез таомлари катта аҳамиятга эга. Шунинг учун шаҳримизнинг Киров кўчасида пархез таомлари ошхонаси очилган. Ошқозон хасталигига чалинган беморлар бу ерга келиб, шу ердаги врачдан фойдали маслаҳатлар олиши, пархез таомларини истеъмол қилиб, соғлиқларини тиклашлари мумкин.

∴ ∴ ∴

Д. АКРАМОВА: Баъзи одамларнинг кўзи учади. Айтингчи, бу бирор касалликнинг белгиси эмасмикан?

Бу саволга медицина фанлари кандидати А. Асқаров қуйидагича жавоб беради:

Кўзнинг тез-тез учиб туриши баъзи касалликларда ҳам учраши мумкин. Масалан, кўз, асаб ва руҳий касалликлар натижасида. Кўзи тез-тез учиб турадиганларга ўзларини кўз ва асаб касалликларини даволовчи мутахассиса кўрсатиб, фойдали маслаҳатлар олишларини тавсия этамиз.

∴ ∴ ∴

М. ЛАТИПОВА: Шаҳримизда қандли диабет касаллигини даволайдиган шифохоналар борми?

Бу саволга медицина фанлари кандидати, врач-эндокринолог Р. М. Ҳошимова шундай жавоб беради:

Бундай хасталикка чалинган беморларни даволайдиган шифохоналар шаҳримизда мавжуд бўлиб, бу шаҳар ва республика эндокринология диспансерларидир. Бундай беморлар Ўзбекистон Ўлка медицина илмий текшириш институтида даволанади. Бу институт Куйбишев район М. Горький проспектидаги 56-уйга жойлашган. Унга 13-трамвай ва 3-маршрутли таксида борилади.

Жавобларни
И. АХРОРОВ ва
Т. РАСУЛЕВ
тайёрлашди.

Оренбург газ-химия комплекси лойиҳада кўзда тутилган қувватига эришди. Энди у ҳар йили 45 миллиард куб метр газ етказиб беради. Бу ердан газ «Союз» трансконтинентал магистрали орқали мамлакатимизнинг турли районларига, қардош социалистик мамлакатларга етказиб берилади.

СУРАТДА: «Союз» газопроводининг бош компрессор станцияси.

Василий ШУКШИН,
Ленин мукофоти лауреати.

Ёш Вагановнинг изтироблари

ҲИКОЯ

Лекин бунисиз яна ҳам ёмонроқ, у одамни минг азобга солиб ўлдиради. Аслида сен шу хавфни ҳозиргина пайқаб ўтирибсан. Бас, шундоқ экан. «Хотинларнинг ҳаммаси бир гўр!» дегин-да, хат ёзиб ўтирмасдан, орани узил-кесил очиқ қилиб, умр бўйи кўрқоқлигингча қолавер — шунда хатардан узоқ бўласан. Тушундингми, идора чувалчанги!»

Ваганов стол олдида қимир этмай узоқ ўтирди.. У астойдил изтироб чекарди. Қоғозни олдинроққа суриб, яна анча ўтирди... Йўқ, хат ёзишга қўли бормас, кўнгли сира чопмас эди. Юрагини аллақандай шубҳа кемирар, лекин бу тентаклик эмас, эҳтимол туғма кўрқоқлик эди. У бирон кор —ҳол рўй беришидан чўчирди. Агар жиддийроқ ўйлаб кўриб, индаллосини айтадиган бўлса, кўнглини кемираётган ҳам худди шу нарса эди. «Плебей»* ҳуқуқсиз фуқаро! Кани сен ҳам инсон бўлиб бирон марта хато қилиб кўр. Нима қипти! Ҳаётида бурилиш ясамоқчи бўлган одам «эҳтиёт шарт», деб ўрмалаб юрмайди-ку! Дунёга сал кўзингни очиб қарасанг-чи, қилдан қийиқ ахтариб, ҳадиксирайвермасанг-чи! Ахир, бу майдакашлик, мунофиқлик эмасми?! Бунақада яшаб бўладими? Кел, бирадар, ёзамиз, хат ёзамиз. Албатта ишқ-муҳаббатдан достон ёзиб ўтирмасдан олисдаги Майяга севги найзаларини отмасдан, шундай деб ёза қоламиз: «Келавер, яхши бўлсанг — ошингни ейсанг», дейміз. Қани, бошладик».

Эрталаб соат тўртларга яқин Ваганов узундан-узоқ хатни ёзиб тугатди. Кун ёришиб келар, очиқ деразадан июнь тонгининг салкин нафаси уфуриб турар эди. Ваганов хат ёзаётганида бир нарсани аён ҳис этиб турди: тайинли гапдан кўра кўпроқ ноз-истигнога берилдими-ей... Сигаретини чекиб бўлиб, стол олдига ўтирдида, хатни ўқий бошлади:

«Майя! Мактубинг мени шундай қаяжонга солдики, мана, икки кундан буён ўзимни кўярга жой тополмайман. Ўйлаганим-ў й л а г а н. Ўзимдан нуқул бир нарсачи сўрайман: нима бу? Сўрайман-у, жавоб тополмайман. Энди сендан сўрамоқчиман. Нима бу, Майя? Вақтинча менинг уйимда яшамоқчи экансан— бош устига! Лекин бари бир ҳаёлимга ўша савол айланиб келаверади: нима бу? Сенга бўлган муносабатимни ўзинг биласан... Телба қалбим айтиб турибди, у аввал қандай бўлса — ҳозир ҳам шундай: мен сени яхши кўраман. Худди шу нарса менга сендан бир нимани сўраш ва сен ҳақдаги фикрларимни рўй-рост айтиш ҳуқуқини беради. Ўз тўғримда ҳам. Майя, нима бу? Ўзидан қочиб қутулишга уринишми? Майли... келавер, яшайвер. Лекин у ҳолда мен ўзимдан қочиб қайга бораман? Қаёққа? Аммо қочиб кетгим келади. Буни яхши биламан. Шунинг учун яна бир марта сўраяпман (худди терговчиндек!) нима бу, Майя? Илтимос, менга лоақал яна битта хат ёзгин. Икки энликкина бўлсаям майли. Фақат шу саволга жавоб берсанг: нима бу, Майя?»

Ваганов узундан-узоқ мактубини шундай бошлаган эди... У хатни бир чеккага суриб қўйди-да, иягини кафтига тираганча ўйланиб қолди. Ўзининг овсар ва ожизлигидан ҳатто юраги зирқирай бошлагани сезиб турарди. «Тўтиқуш!» Нима бу, Майя? Нима бу, Майя?» Тфу! Сўтак» Бу мавҳумлик тўсатдан келган ғам каби чиндан ҳам уни эзиб юборган эди. Ваганов умрида бирин-чи бор бу янглиғ изтиробда ўртанарди. «Ё худо, нима қилсам экан? Нима қилдим?» Ваганов ўзига йўл-йўриқ беришга қодир биронта одамни эслашга уринди — ҳозир шунга ҳам тайёр эди, лекин бу ерда тортинмай дил ёриб, маслаҳат солиш мумкин бўлган, унинг сўзига ишонадиган ҳеч кимсани эслолмади. Кўз олдига фақат... Попов келди. Кишига тик қарайдиган ҳалол кўзлар, ақллилиги кўриниб турган кенг пешана тасаввурида жонланди... Хўш, нима қипти? «Тўғрими, Майя? — деб сўради у ўзига-ўзи киноя билан. Бу ҳеч гап эмас, Майя. Фақат мен ўзим сўтакман, холос, Майя».

У ёзган хатини юмалоқлаб-юмалоқлаб ғижжмладию, деразадан томорқага қараб улоқтирди. Каравотга чўзилганча кўзларини чирт юмди. Болалик пайтида, бирор ёмон нарсани тезроқ унутишни истаганида худди шундай қиларди.

∴ ∴ ∴

Ваганов эрталаб ишга бораркан, жисмида кучли ҳорғинлик туярди.

У ишни Поповга одам юборишдан бошлади.

Попов дарров етиб келди, эшикни очиб ичкарига яна хавфсираб мўралади.

— Кир! — дея Ваганов жойидан турди-да. Попов билан қўл сиқиб кўришди. Уни стулга ўтказиб, ўзи ёнига ўтирди.

— Отинг нима?

— Павел.

— Калай?! Уйда нима гап?

Попов жавоб бермади... Кулранг кўзларини терговчига тикди. Бу одамнинг кўзлари чиндан ҳам ажойиб эди: кишига керагидан ортиқ ишонч биланми, оқиллик биланми, мулойим боқарди. Худди боланинг кўзларидек тиниқ беғубор. Холбуки, бу кўзлар ўлим кўрган, қайғу-ҳасрат кўрган ўзи ҳам озмунча алам чекмаган... Эҳтимол, инсоннинг қудрати ҳам ҳудди шунда — саботли, кечиримли бўлишидадир? Ва балки шундан бошқа ҳамма нарса сурбетлик, юлғичлик, бешафқатлиқдир?

— Ёмон эмас шекилли. Нимайди? — деб сўради Попов.

— Хотининг билан гаплашдингми?

— Бизлар бир ҳафтадан буён гаплашмаймиз.

— Қалай, ҳеч қанақа ўзгариш сезмадингми?

— Сездим. — Попов кулимсиради. — Кеча окшом менга узоқ тикилиб турдида: «Терговчиннинг олдига бордингми?», деб сўради. «Бордим, — дедим, — терговчининг олдига боришни битта сенга чиқарганми?» — дедим.

— У нима деди?

— Индамади. Мен ҳам индамадим.

— Улар аризасини қайтиб олади, — деди Ваганов. — Яна бир чақиртираман. Балки бир неча марта чақиртирарман... Менимча, қайтиб олишади.

— Яхши бўлади, — деди Попов соддадиллик билан. — Қамалишга кимнинг кўзи учиб турибди, — дейсиз, ёш ҳам бориб қолди.

— Павел, — дея тараддудланиб сўз бошлади Ваганов ҳануз ичини тирнаётган ўша гапни ўйлаб, — сен билан бир нарсани маслаҳатлашмоқчи ч и м а н... — Ваганов, тоғасидан маслаҳат сўраган ёш боладек уят иш қилмаяпманми, дея иккиланиб қолди. Кулги бўлиб ўтирса-я? Йўқ,уяладиган жойи, чамаси, кулгили аҳволга тушадиган ери ҳам йўқ. Нимаси кулгили! — Бир таниш хотин бор, Павел... Йўқ, гап бундай. Дунёда бир аёл бор, мен уни яхши кўраман. У эрга теккан, ҳозир эри билан ажрашган, шу хотин менга... — Шу ерга келганда Ваганов ҳийла уялди. Гапни бемаъни йўсинда бошлаганидан мулзам тортди. — Хулпас, гап бундай. Мен шу хотинни яхши кўраман-у, уйланишга кўрқяпман.

— Нега энди? — деб сўради Попов.

— Нега деганда, у ҳам... сенинг хотининг-га ўхшаган чиқиб қолмасмикин, деб кўрқаман. Бунақа хотин одамни қаро ер қилади. Агар унга уйлансам, фақат шу яхши яшасин, ўйнаб-кулсин, зерикмасин, деб ишлашим керак бўлади. Унинг нафсини қондираман, деб ўзимнинг орзу-умидларимни қурбон қиламан, деб кўрқаман.

— Йўғ-з, унчаликка бормас? — деди Попов иккиланиб. — Эр-хотин иноқ бўлиши, ташвишниям, қувончниям кўриши керак.

— Шошма, қанақа бўлиш кераклигини ўзим ҳам биламан. Ҳаммасини биламан-а...

— Бўпти-да...

Вагановнинг хафсаласи пир бўлди. Гапни давом эттиргиси ҳам келмай қолди.

— Қанақа бўлиши кераклигини биламан. Инсон қандай яшаши кераклигини ҳаммаям билади. Лекин шуни кўра-била туриб, бари бир севсам-у, аммо у менга ҳеч қачон ҳақиқий дўст бўлмаслигига кўзим етса, унда нима қилишим керак? Мана, айт-чи, хотининг сенга дўстми?

— Менинг хотиним-нинг йўриғи бошқа.

— Нимага йўриғи бошқа бўларкан? Ҳамма одам бир хил, ҳаммаям яхши яшагиси келади... Нима, сенга бир умрлик дўст керакмасми?

— У ёғини сўрасангиз, ўртоқ Ваганов, — деди Попов ниҳоят терговчининг мақсадини тушуниб. — У ёғини сўрасангиз, ҳамма хотин бир хотин. Хотиндан ёруғлик — итдан чориқлик. Хотин зоти ўзи шу: турган-битгани алдам-қалдам. Илгари мен ҳам кўп ўйлардим. Одамлар нега бунақа ит-мушук бўлиб яшайди. дердим. Қаёққа қарасанг — уриш-жанжал, қайси оилани кўрсанг — дилсиёҳлик. Нега бунақа? Шунинг учунки, хотин зотидан яхшилик кутиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам худо уни хотин қилиб яратган.

— Бўлмаса, уйланишга бало борми? — деб сўради Ваганов Поповнинг бундай тагдор фалсафасига ҳайрон қолиб.

— Бу энди бошқа гап. — Попов ўзининг ҳақлигига тамомила ишонч билан хотиржам сўз бошлади. Чамаси, бу ҳақда илгари ҳам кўп ўйлаган бўлса керак. — Хоҳлайсанми-йўқми, инсон боласига оила керак. Оила бўл-магандан кейин ҳамма-си бир пул. Бўлмаса, нима учун биз болаларимизни шунчалик яхши кўрамиз? Боиси шуки, хотининг қилмишига чидасин, деб болаларимизга меҳримизни туширган...

— Ахир бор-ку аналинақа... Дуруст оилалар ҳам!

— Қани ўшанақа оилалар? Ҳаммаси найрангбозлик билан ўзини яхши кўрсатишга уринади, холос. Уйдаги гапни кўчага чиқаргиси келмайди. Аслида эса ҳаммаси ҳам уйида ит-мушук.

— Вой, онангни эмгур!— Ваганов баттар хайрон қолди.

— Бу ёғи неча пулдан тушди? Одамнинг хафсаласи пир бўлиб кетаркан! Бунақада яшашнинг нима қизиғи бор?

— Начора. Чидайсиз — яшайсиз. Ўзини ўзи алдашнинг нима кераги бор? Хотин киши дўст бўлармиди? Қизиқ экансиз. Бола туғиб берганига ҳам шукур... Ҳудо шунақа қилиб яратганидан кейин хафа бўлишнинг ҳам ҳожати йўқ. Нима кераги бор? — Попов ўзининг ҳақиқатига собит ишонч билан қарар, шунинг учун хотиржам гапирар эди. У Вагановнинг ҳақ сўзга ташна эканини, бор гапни рўй-рост эшитишни истаётганини билгани учун кўнглидагини айтиб кўя қолди. Шу боисдан рўпарасидаги йигитга ниҳоятда сокин, хатто хушчақчақ бир қиёфада қараб турар, ийманиб-қимтинмас эди.

— Шунақа дегина,— деди Ваганов ниҳоят тилга кириб.— Йўқ, Попов, сен алам ўтганидан, омадинг келмаганидан бундай деяпсан. Ахир, беш қўл баравар эмас-ку...

Попов елка қисди.

— Ўзингиз сўрадингиз— мен дилимдагини айтдим.

— Бу гапинг тўғри, баҳслашмайман. Баҳслашган билан масаланинг тагига етиб бўлмайди.

— Албатта, ҳар ким пешанасига ёзилганини кўради. Агар бошда биров менга: «Пашка, уйланма, бошингни балога қўясан», деганида мен нима қилардим? Маслаҳатингни ўғлингга қил, деб билганимдан қолмасдим. Ҳар ким ҳам шунақа-да. — Ҳа, ҳа,— дея Ваганов уни қувватлади.— Бу гапинг тўғри. Майли, бўпти.— У ўрнидан турди. Попов ҳам турди.— Хайр, Павел. Менимча, улар аризасини қайтариб олади. Фақат сен..

— Йўқ, қўйсангиз-чи, ўртоқ Ваганов!— деди Попов уни ишонтириб. Бошқа унақа қилмайман. Сўз бераман. Бу-ям бир ахмоқликда... Уларни урган билан нима барака топардим? Номуси бўлса — ўзи уялсин. У ёғини сўрасангиз, тўполон қилганимга ўзим ҳижолатман. Худди ифвогарларга ўхшаб фисқи фасод кавлаб юришимнинг ўзи уят эмасми?

— Бўпти, хайр.

— Хайр.

Попов эшикни ёпиб, чиқиб кетиши билан Ваганов хатни ёзиш учун стол ёнига ўтирди. Ҳали Попов билан гаплашаётганда Майяга нима деб телеграмма беришни ўйлаб қўйган эди:

«Келавер. Юришим ўша-ўша Орқа этагимда оғирлигим йўқ. Кутасан. Георгий».

У шундай деб ёзди... кейин ўқиб чиқди. Бу доно сўзлар замирида ҳамон ўша бетайин оҳанг жиртак чалаётгандек эди: «Мен эса чаларман гармоним тағин...» У ёзган қоғозини яхшилаб ёиртди, майда-майда қилиб кафтига солди-да саватга ташлади. Шу кўйи бир зум туриб қолди.. Кўнглига қандайдир бефарқ осойишталик чўкди. Ҳеч нимадан ачиқланмас, ҳеч нимага ачинмас эди. Аммо энди бугун ишлашга ҳам қодир эмаслигини аён сезарди. Стол ёнига яна қайтиб келди-да, бутун сахифани тўлдириб, йирик харфлар билан:

«Тобим қочди. Уйга кетдим», деб ёзди.

Бугун биронта хизматдош ҳамкасбларини кўриш ҳам, улар билан гаплашиш ҳам қўлидан келмайдигандек, бунга қудрати етмайдигандек туюлди. Уйига йўл олди. Йўл-йўлакай мингиллаб хиргойи қилиб борарди:

Мен эса гармон
чаларман
Уткинчилар олдида
Минг афсуски,
туғилган кун —
Йилда бир
бўлади-да-а.

Кун жуда ажойиб — иссиқ эмас, қандайдир илиқ, гул ва кўкатлар исига тўлиқ эди. Ҳали чанг кўтарилиб улгурмаган, ҳали саратон забтига олмаган. Кучга тўлган яшил олам ердан ҳаёт шарбатини сўрар, чор атроф гулга кўмилган эди. Баъзилари энди гулга кирган, баъзилари эндигина гуллаб бўлган, гули тўкилган куртаклар ўрнида эса кичкина тугунчаклар — бўлажак мевалар пайдо бўла бошлаган эди. Ажойиб, серфайз фасл! Бундай пайтда киши кун ўтиб бораётганига ачинмайди, аксинча эртанги кун ҳали олдинда эканидан кувонади.

Ваганов почта томонга бурилиб, ичкари кирди. Дарчага бош суқиб, телеграмма бланкасини олди. Устига сиёҳ тўкилган, ялтираб кетган стол ёнига ўтирди. Майянинг адресини ёзди... Телеграмма сўзи ёзиладиган чизиқ устида перони қадеганча бир зум ўйланиб қолди. Кейин «Келавер», деб ёзди.

Ёздию бу сўзга тикилганча жим қолди. Ўзи ёзган сўзга диққат билан узоқ термулди. Сўнгра, қоғозни ғижжмлаб, бурчакдаги саватга ташлади.

— Нима, айнидингизми?— деб сўради дарчадан мўралаб турган аёл.

— Адресини унутибман,— деди Ваганов ёлғонлаб. Кўчага чиқди-да шахт билан тўғри уйига йўл олди.

«Ёлғон гапиришни ҳам ўрганиб олдинг!— деб ўйлади у ҳудди ёт бир одам ҳақида фикр юритаётгандек ўзидан ўзи бегонасираб. — Кўзингни бақрайтириб, ёлғон гапирдинг».

Ҳали далалардан пичан иси анқимас, ҳали ўрим бошланмаган эди.

У. ҲОШИМОВ
ва **Ҳ. СУЛТОНОВ**
таржимаси.

1. Плебей — қадимги юнонларнинг ҳуқуқсиз фуқароси. қул эмас, аммо ҳуқуқи ҳам йўқ (тарж).

[Охири. Боши газетанинг ўтган сонида].

Чимёндаги прокат пункти тинмай ишлаб турибди. Дам олувчиларга бу ердан минглаб чанги ва юзлаб чаналар тарқатиляпти. Тоғ чўққисига олиб чиқадиган арқон йўли ишлаб турибди.

СУРАТЛАРДА: прокат пунктида; чангичилар.

В. Молгачев фотоси.

• *Мутахассис маслаҳати*

ДАРАХТ ВА ТОКНИ ҚИШДА ПАРВАРИШЛАШ

Мева дарахтлари ва ток ўсимлиги қиш фаслида тинчлик даврини ўтаётган бўлса ҳам, уларда биохимик ва физиологик мураккаб процесслар, дарахт шох-шаббаларида ва ток навдаларида, зангларида сув парланиши жуда сust ҳолда ўтади. Шундай экан, ер қатламларида нам тўплаш ва ер унумдорлигини кўтарадиган тадбирий чораларни қиш фаслида ўтказиш фойдадан ҳоли эмас.

Қиш фаслида одатда боғбон ва сохибкорларимиз мева дарахтлари ва токка қовус (яхоб) суви беришади. Яхоб суви ва минерал ўғитлар солинган ерлар қора совуқ қаттиқ бўлган тақдирда ҳам ер қатламлари қалин музламайди.

Кейинги йилларда паст бўйли, барвақт ҳосилга кирадиган олма ва нок кўчатларини ҳамшаҳарларимиз жуда кўп ўтказишмоқда. Уларнинг илдизи қучли пайванд тагларда ўстирилган олма ва нок дарахтларига нисбатан анча ғозиқроқ ва шу билан бирга ер юзасига яқинроқ жойлашган бўлади. Дарахт илдизлари ер қатламларида жойлашган ҳолда минус олти—етти даража совуқда шикастланади. Аксинча, мева дарахтларининг шох-шаббалари эса 25—30 даража совуқларга бардош бера олади. Ана шунинг учун ҳам мева ва ток илдизларини яхши шароитда сақлаш учун уларнинг атрофи чопилган, органик ва минерал ўғитлар билан бойитилган бўлиши керак. Ер юмшатилмаса ва суғорилмаса ернинг қатламлари тезроқ музлайди.

Куз ва қиш фаслларида ер намга ва ўғитларга бойитилса эрта баҳор кунлари исиб кетиши билан дарахт ва ток тупларидаги куртакларни ёппасига бўртиб чиқиши таъминланган бўлинеди.

Бошқа ерга кўчириб ўтказиладиган мева ва ток кўчатлари қанча ёш бўлса улар яхши кўкаради ва келгусида барвақт ҳосилга киради. Шуни эсдан чиқармаслик керакки 1, 2, 3, 4, 5 ва 6 ёшли олма дарахтлари яхши кўкаради. Ундан катта ёшдагилари эса кўкарган тақдирда ҳам махсус парваришни талаб қилади. Лекин данакли мевалар ичида айниқса шафтоли ва гилоснинг катта ёшдагиларини кўчириб ўтказиш тавсия этилмайди. Чунки булар тезда қуриб қолади.

Қишда анор ва анжирга яхоб суви берилмайди. Сув берилса ҳам навда ва шохларига нам яқинлаштирилмайди. Анжирнинг навдалари пўкак бўлиб, уларга қишда нам тегса чиримай ва корайиб кетади. Умуман ҳар бир мевали дарахтлардан кўпроқ ҳосил олиш учун унга қишдан тайёргарлик кўриш даркор. Ана шунда ҳар бир ўтказган дарахтимиз серҳосил бўлади.

М. СОБИРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Табиат ва инсон

ҚОПЛОНЛАР ҚАЙТИШМОҚДА

Қашқадарё области территориясида— Қизилсув тоғ арчазор қўриқхонасида ва Ҳисор тизма тоғларида овчилар ўн тўртта қор қоплонини рўйхатга олишди. Камдан кам учрайдиган ва йўқолиб кетаётган йиртқичлар ёзиб қўйиладиган қизил китобга киритилган бунча миқдордаги гўзал жониворларни бу атрофда яқин орада учратишмаган эди.

Қоплонларнинг пайдо бўлиши табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилаётганлиги билан боғлиқдир. Тўғри жониворлар — олқорлар, шохдор эчкилар инсоннинг меҳрибонлиги туфайли қўриқхона ерларида тобора кўпаймоқда. Уларнинг кетидан ваҳший «подачилар» ҳам қайтиб келмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Қизилсув ва Мироқи қўриқхоналарида айиқлар, жайронлар, тустовуқлар ва бошқа камдан кам учрайдиган ҳайвонлар ҳамда қушлар анчагина кўпайган.

(ЎзТАГ мухбири).

40 ДАРАЖАЛИ СОВУҚДА ҲАМ

Ультратовуш датчиги рельсда сирпаниб бориб, дарз кетган жойни пайқайди. Оператор наушникида сигнал эшитилади. Прибор индикатори дарз қандай чуқурликда ётганлигини, унинг миқёсини кўрсатади.

«Рельс—5» прибори воситасида пўлат йўлнинг пишиқлиги шу таҳлидда аниқланади. Кишиневдаги «Волна» бирлашаси уни кўплаб ишлаб чиқара бошлади. Аппарат рельс бўйлаб ҳаракат қилувчи аравачага моҳтаж қилинади.

Янги приборлар ишгоятда аниқ бўлишини таъминлайди. Бу аппаратлар ҳатто 40 градусли совуқда ҳам пухта ишлайверади.

(ТАСС).

Биласизми?

● Франция билан Испания чегарасидаги Андорра давлатида қизиқ қонун чиқарилган. Чет эллардан кўчиб келган киши бу ерда 20 йил яшагандан кейин ёки андорралик қизга уйланганда сўнггина савдо-сотиқ ишларига аралашиши мумкин.

● Нью-Йорк галати ўйинчоқ-робот ихтиро қилди. Унинг ясаган автомати саволларга жавоб беради. Ҳазиллашади, ашула айтади. ҳуштак чалади, ҳатто... ухлайди ҳам.

● 1842 йили Урал тоғи конларидан бирида оғирлиги 36 килограмм соф ҳолдаги олтин парчаси топилган.

● Гилдирак эрамиздан аввалги тўртинчи минг йиллик бошларида ихтиро қилинган, энг қадимги гилдиракли аравانинг илк нусхаси Ҳиндистоннинг Мохенжо-Доро вилоятида олиб борилган археологик қазишмалар пайтида топилган.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/I да Бир актли салетлар, 25/I да Севилья сартароши.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/I да Шошма, қуёш! 25/I да Рўйхатларда йўқ...

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/I да Ўжарлар, 25/I да Йиллар ўтиб.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/I да Кичик фожиалар, 25/I да Фақат аҳл сотилмайди.

КИНО

24 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИЗНИ ГРАЖДАНКА НИКОНОРОВА КУТЯПТИ»— Чайка, Қозоғистон, Восток, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Нукус, Навоий номли, Лисунов номли.

«ШОД-ХУРРАМЛИКДА ЯШАНГ» — Москва, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги.

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — Москва, Дружба, Фестиваль, Лисунов номли, Мир, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Ғунча, С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Қозоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Чайка, Кўнча, Нукус, Пионер.

25 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ГЕНЕРАЛ КИРПОНОС» —Қозоғистон.

«ҚИЗИЛ НОН» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.

«ОИЛА»— Чайка, Янгиобод.

«БИЗ — ЭКИПАЖ АЪЗОЛАРИМИЗ»— Кўнча.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИЗНИ ГРАЖДАНКА НИКОНОРОВА КУТЯПТИ»— Чайка, Қозоғистон, Восток, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Нукус, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Навоий номли, Москва.

«ШОД-ХУРРАМЛИКДА ЯШАНГ» — Лисунов номли, ВЛКСМ 30 йиллиги, Искра.

«ҚИЗҒА КИНОДА ЧИҚИШНИ ХОҲЛАЙСАНМИ?» — Пионер.

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ— Москва, Дружба, Фестиваль, Лисунов номли, Мир, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Ғунча, С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Қозоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Чайка, Кўнча, Нукус, Пионер.

ҲАМИША КЕРАКЛИ КАСБ

СОТУВЧИ ЭНГ ОММАВИЙ КАСБЛАРДАН БИРИ.

БУ КАСБ ЎЗ ЭГАСИДАН ИНСОНЛАРГА НИСБАТАН ҲАМИША МЕҲРИБОН ВА ҲАЙРИХОҲ БЎЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ БИЛАН БИРГА, МАХСУС БИЛИМЛАР, МЕҲНАТ КЎНИКМАСИ ВА ИШ ТАЖРИБАСИНИ ЭГАЛЛАШНИ ҲАМ ТАҚОЗО ЭТАДИ.

Энг яхши сотувчи харидорга ўёки бу молни чаққонлик билан олиб бериши билан бирга бу молнинг афзалликлари ҳақида гапириб бериши, ҳатто шу янгилик билан қизиқтираолиши лозим. Бунинг учун сотувчи ҳар томонлама маълумотли киши бўлмоғи керак. Одамлар билан ҳар бир минутда муомала қилаолиш учун эътиборли, сезгир, энг муҳими хушмуомала бўлиш керак. Ана шундай хислатлар аёлларда кўпроқ мужассамлашган бўлади.

ШУНИНГ УЧУН ҲАМ «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАР ЭКАНМИЗ, БИРИНЧИ НАВБАТДА СИЗ, ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАРГА МУРОЖААТ ЭТАМИЗ!

6 ойлик ўқиш давомида сиз хўжалик ва маданий-маиший моллар билан савдо қилиш касбини ўрганасиз. Мактаб-магазин—бу савдо корхонаси бўлиб, унда таълим меҳнат практикаси билан қўшиб олиб борилади. Тажрибали ўқитувчилар ўқувчиларга товаршунослик, савдо хизмати, савдо эстетикаси ва психологияси совет ҳуқуқи асослари дарсларни бўйича лекциялар ўқийдилар. Амалий машғулотларда эса (ана шу магазиннинг ўзида) иш учун керак бўладиган меҳнат маҳоратини эгаллайди.

— Мактаб мингдан зиёд мутахассислар тайёрлади. Мактаб-магазинни тугатганлар «Ташхозкультторг»нинг магазинларида ишлаш учун йўлланма олдилар. Ҳозирда уларнинг кўпчилиги катта сотувчилар, бўлимларнинг мудирлари бўлиб етишдилар, ўзлари эса эндиликда ёшларни савдо ишига ўргатмоқдалар. Савдо бошқармасининг ва мактаб-магазиннинг раҳбарлари ўқувчилар ўз билимлари ва малакаларини оширишлари учун ҳамма чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Мактаб-магазин ўқувчиларнинг техникум ва институтларда ўқишларини давом эттиришлари учун йўлланма беради.

Мактаб-магазиннинг синфхоналари керакли бўлган ўқув ва кўргазмали қўлланмалар билан жиҳозланган.

ЎҚИШЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

МАКТАБ-МАГАЗИНДА ЎҚИШ ДАВРИ — УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚУШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Мактаб-магазинга 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган, Тошкент шаҳрида доимий пропискада турувчи қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: аттестат, паспорт, мактабдан ёки кейинги иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см.) ҳажмида.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ФЕВРАЛДА БОШЛАНАДИ.

Маълумотлар олиш учун 47-мактаб-магазинга қуйидаги адрес бўйича мурожаат этинг: Тошкент шаҳри. Муқимий кўчаси, 1-уй, (2, 3, 18, 34, 50, 54, 80-автобуслар, 7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 16-троллейбуслар-нинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон 53-47-24.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26, 27 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА
«ОКТЯБРНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ» ФЕСТИВАЛИ ВА БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КУРИГИ — КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ
ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ДИЛБАР ФАЁЗОВА

Гаванада бўлиб ўтган XI жаҳон фестивалининг лауреатлари Ака-ука Дилмурод, Холмурод ва Элмурод ИСЛОМОВЛАР.

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ғуломжон ЁҚУБОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Моҳичеҳра НУРМУҲАМЁДОВА, Туйғуной МЕЛИБОЕВА, Гулираъно ХУДОЙҚУЛОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Нарзиддин ШЕРМАТОВ, Зуҳра ҚОДИРОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«ШОДЛИК» ансамблининг бош балетмейстери — Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг дипломанти Қодир МУМИНОВ.

Программани— Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

24 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.15 «Беш йиллик марши-да». 18.15 «14 дан 18 гача». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.45 «Фан оламида». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.15 «Машъал бўлиш учун ён». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Болгария). 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». Ёшларнинг телевизион клуби. 23.10 С. Рахманинов. 3-симфония. 23.55 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мультфильм. 18.15 «4 март—СССР Олий Советига сайловлар куни». «Давлат— бу биз» (рус.). 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 Телевизион театр. Р. Гаррис. «Мусофирхонада». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Дутор-танбур тароналари». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.25 «Экранда — кинокомедия». «Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиги». 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Юлдузча». 20.15 «Тошкент» телепрограммаси. Телетомошабинларнинг саволларига Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори И. Г. Сатторов жавоб беради. 20.45 «Миссариаунинг қайтиши». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.55 Тошкент янгиликлари.

25 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Зеҳдочка». Болалар учун киноальманах. 11.00 «Ҳиндистон санъати». 11.30 «Машъал бўлиш учун ён». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Болгария). 2-серия. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.20 «Бил ва ўдлала». Ёш техниклар учун кўрсатув. 17.05 «Поэзия». О. Шестинский. 17.25 «Горичилар, қаердасиз?». 18.10 «Ҳаммамиз аҳил оиламиз». Музикали программа. 18.45 «Моҳир қўллар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Миллионлар ленинча университети». Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг 30 йиллиги. 2-кўрсатув. 20.00 «А. Аданнинг «Жизель» балетидан саҳна». 20.10 «Машъал бўлиш учун ён». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Болгария). 3-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Композитор Родион Щедринн». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.20 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Аёллар. «Динамо» (Кишинёв) — «Спартак» (Киев). Вильнюсдан олиб кўрсатилади. 23.50 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Малахит қутиси». Болалар учун мультфильм. 18.20 Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ташкил топганлигининг 30 йиллигига. «Социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлиги». 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». 19.25 «Инсон болалиқдан бошланади» (рус.). 20.00 Ҳамид Олимжон туғилган кунинг 70 йиллигига. «Ўрик гуллаганда». Адабий композиция. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ҳасан Ражабов куйлайди. 21.20 «Лайлаклар». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Вернер Хольт саргузашти». Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Винокор» — «Металлург» (Челябинск). 3-давр. «Юбилейный» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 «Токарь». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.55 Тошкент янгиликлари.

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ГИЛАМЛАР «ХИМЧИСТКАГА»

ФАҚАТ ГИЛАМЛАРГИНА ЭМАС, БАЛКИ СУНЪИЙ ВА ТАБИИЙ ТОЛАЛАРДАН ЕЛИМЛАШ МЕТОДИ ЁКИ ТЎҚИШ ИЎЛИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН БОШҚА ҲАР ҚАНДАЙ ГИЛАМ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ПАЛОСЛАРНИ ХИМЧИСТКАГА ТОПШИРИШ МУМКИН.

Гиламларингизни яқинда очилган ихтисослаштирилган фабрика тозалаб беради.

БУЮМЛАРНИ ТОЗАЛАШ ҚУЙИДАГИ АСОСИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРДАН ЎТАДИ: чангини тозалаш, ювиш, доғларни кетказиш.

Тозалаш учун юқоридаги буюмлар чекланмаган узунликда, аммо эни 4 метрдан ортмаган тақдирда қабул қилинади.

Ҳақ прейскурант бўйича тўланади.

Гиламлар, гилам маҳсулотлари ва палосларни уйга қайтариб элтиб бериш йўли билан қабул қилиш ташкил этилади (бу ун-чалик кўп ҳақ талаб этмайди). **Аҳолига қулайлик яратиш учун гилам маҳсулотларини тозалашга қабул қиладиган ўн битта ихтисослашган пункт ташкил этилган:**

УЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ ВА ИШ ВАҚТЛАРИ:

ЛЕНИН РАЙОНИ

16-пункт — ЦУМ ёнида. Соат 8.00 дан —20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

5-пункт — Ш. Руставели кўчаси, 28-уй. Соат 8.00 дан — 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

21-пункт — М. Горький проспекти. Соат 8.00 дан — 20.00 гача дам дам олиш кунисиз ишлайди.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

53-пункт— Беруний кўчаси. Соат 10.00 дан — 19.00 гача. Дам олиш кунлари— якшанба, душанба.

Фабрика қошидаги қабул пункти — Уйғун ва Беруний кўчалари муюлишида (янги миллий ҳаммом ёнида).

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

30-пункт— Маиший хизмат уйи («Москва» кафеси биносида). Соат 9.00 дан — 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба, душанба.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

3-пункт — Студентлар шаҳарчаси. Соат 8.00 дан —20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

КИРОВ РАЙОНИ

24-пункт — Бодомзор кўчаси, маиший хизмат уйи. Соат 9.00 дан — 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба, душанба.

ҲАМЗА РАЙОНИ

4-пункт — Лисунов кўчаси, 9-уй. Соат 8.00 дан— 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

11-пункт — Маиший хизмат уйи. Соат 9.00 дан — 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба, душанба.

АГАР СИЗ ХОҲЛАСАНГИЗ ГИЛАМЛАР, ГИЛАМ БУЮМЛАРНИ ИСТАЛГАН БОШҚА ПУНКТГА ҲАМ ТОПШИРИШИНГИЗ МУМКИН.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! Фабрика қошида гилам буюмлари ва палосларни реставрация қиладиган цех ишламоқда. Цехда буюмингизнинг шикастланган жойини тузатиб берадилар.

СИЗ 44-19-29 ТЕЛЕФОН НОМЕРИ БЎЙИЧА ОЛДИНДАН БУЮРТМА БЕРСАНГИЗ БЎЛАДИ.

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ўқув юртлари бош бошқармаси коллективи совхозлар-техникумлар бўлими бош бухгалтери А. Мўминова онаси

Ҳожиниса ЭШОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕСИ: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан маиатаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; аъзолар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32.78-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

Р. 07036. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Е—1222.